



Суратдаги ширингина йигитча — Нодиржон Хўжаевни сиз, азиз муштарийлар газетамиздаги янгиликлар, хушxabарлар орқали яхши танийсиз. Эсладингиз-а?.. Янги муштарийларимизга эса Нодиржон ҳақида яна бир бор кенгроқ маълумот беришни лозим топдик. Зеро, унинг 12 йиллик ҳаётида (ҳа-ҳа, у 12 ёшда!) ибрат олгудек жиҳатлар талайгина.

Бўйнидаги 20 та шода совринлар орасида олтин медаль ҳам бор. Ўтган йили Венгрияда спортнинг кара-

Faxr

лик, аввало, уни тарбиялаган ота-онасига раҳмат ёғдиришади. Кейин унинг устозларини дуо қилишади. Бу дуою раҳматларнинг қиммати жуда юксак. Бу билан унинг ота-онаси, устозлари фахрланишади. Мусофир юртларда юриб, шу жажжи жуссаси билан Ўзбекистон аталмиш давлатнинг байроғини ҳилпиратганда, ҳамма нигоҳларни шу байроққа қаратганда, у бутун Ўзбекистон ахли-

ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИНИ ҲИЛПИРАТГАН ЖАЖЖИ ЎҒЛОН

тэ тури бўйича ўтказилган мусобақаларда ғолиб чиқиб, жаҳон чемпиони бўлди. Ёшлар ўртасида спорт мастери — каратэ бўйича биринчи ДАН, қора белбоғ соҳиби. Ўзбекистон Республикасининг икки бора чемпиони. Санайверсак, бу мукофотлар рўйхатлари ҳали узун. Биз уларнинг энг юқориларини келтирдик, холос.

Нодиржон Қарши шаҳрида туғилган. Айни кунда шу шаҳардаги 23-мактабнинг 5-синфида “аъло” баҳо-ларга ўқияпти. Спортдан ташқари физика, математика фанларига қизиқади. Бу тавсифномани унга ўқитувчилари беришди. Бундан ташқари, унинг ота-онаси уй ишларида яқиндан ёрдам беришини алоҳида таъкидлашди.

Кўриб турибсизки, унинг ибрат олса арзигулик хислатлари кўп экан. Бундай фарзандни кўргач, кўпчи-

нинг фахрига айланади. Шунча халқ уни тарбиялаётган инсонларни дуо қилади. Келинг, биз ҳам ният қилайлик — Нодиржон ҳали бундай дуоларнинг яна кўпини олсин, ўз йўлида собит қолсин, баркамол шахс бўлиб етишсин. Мақтовлар уни тўғри йўлдан ҳеч қачон чалғитмасин.

Ҳар бир кишининг фарзанди ана шу йигитчадек “каратес” бўлмас. Лекин улар ўз олдиларига ота-оналарини устозларини улуғлашга, Ўзбекистонимизни ривожлантиришга олиб борадиган мақсад кўя олсин. Бу мақсадга етишишда сабот-матонатни, таъбир жоиз бўлса, сабрни ким ўргатади, яъни ким уларни ана шундай эзгу мақсадлар сари йўналтиради? Албатта, сиз — азиз устоз!

Х. АБДУЛЛАЕВ

**«МИЛЛИЙ
ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ
ВА МАЪНАВИЯТ
АСОСЛАРИ» ФАНИ
БЎЙИЧА МЕТОДИК
ТАВСИЯЛАР**

3, 4-бет

**ЎЗЛИКНИ
АНГЛАШ
ДАВРИ**

5-бет


ҚАРОР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда “Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги” ўтказиш тўғрисида”ги Қарори матбуотда эълон қилинди. Унга кўра, шу йил 21 февралдан 21 мартгача мамлакатимизда “Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги” ўтказилади.

СЕМИНАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси та-

СЎНГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ



шаббуси билан “Суд-ҳуқуқ ислохотлари ва прокуратура органлари” мавзуйига бағишланган семинар чақирилди.

ЙИҒИЛИШ БЎЛИБ ЎТДИ

Урганчда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил май ойидаги қарорига кўра қабул қилинган 1999-2001

йилларда Хоразм вилоятида бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш дастури ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ҚИШЛОҚДА ЗАВОД

Жиззах вилояти Бахмал туманидаги “Тонготар” ижара ширкатлар бирлашмасида Ўзбекистон—Россия кўшма корхонасига мансуб консерва заводи куриб битказилди. Завод бир мавсумда 5 минг тоннадан зиёд мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватига эга.

ИНГЛИЗ ТИЛИ САБОҚЛАРИ

12-бет

ВАЗИР СУДДА

КАЧОНЛАРДИР ФИШЕР
ПОЛИЦИЯ ХОДИМИНИ
УРГАН ЭДИ

13-бет



ХОНОБОДЛИКЛАРНИНГ ИБРАТЛИ ТАШАББУСИ

Янги асрнинг дастлабки йилида хонободликлар ибратли ташаббус билан чиқдилар. Ҳар бир шаҳарлик ўн донадан кўчат ўтказишга аҳд қилди.

Насиб этса, шу баҳор ойларида хонободликлар салкам 350 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказиб, уларнинг парваришини ўзлари назорат қиладилар.

Хонобод шаҳрининг барпо этилганига ҳам қарийб 28 йил тўлмоқда. Шу давр мобайнида шаҳарликлар Хонобод кўчалари, хиёбонлари, маданият ва истироҳат боғлари,

дам олиш масканларига дейрли 2 миллиондан кўпроқ мевали дарахтлар экишиб, кўкартириб олдилар. Бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси сифатида Хонобод Фарғона водийсининг гўзал ва кўркем шаҳарларидан бирига айланди. Ҳозирга келиб шаҳарда нафақат Осиёда учрайдиган, балки дунё миқёсида ноёб ҳисобланган дарахтлар ҳам кўкартирилмоқда. Шулар жумласига дуб, кипарис, Сибир қарағайи, оқ қайин, каштан, Тяньшан арчаси, тоғ арчаси, япон дарахти кабиларни киритиш мумкин. Шаҳарда беш гектар май-

донда кўчат етказиб берувчи хўжалик мавжуд бўлиб, терак, мажнунтол, каштан ва турли хил гул кўчатлари етиштирилмоқда.

Хонободликларнинг дам олиш ҳудуди ҳисобланган "Боғи баланд" адирликларидан ҳар йили 10-15 гектар янги ерлар ўзлаштирилиб, мевали боғлар барпо этиш анъанага айланиб бормоқда. Ҳозирги кунгача 40 гектар майдонда боғ барпо этилди.

Андижон вилояти,
"Туркистон-пресс"

Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ижтимоий ҳаракатини тузиш бўйича ташаббус гуруҳида

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча вилоятларида Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастури ва Низоми лойиҳалари қизғин муҳокама қилинмоқда. Бўлиб ўтаётган ёшлар фаоллари йиғилишларида ёшларнинг барча қатламлари вакиллари иштирок этиб, ушбу ҳужжатларга кўплаб қўшимчалар, ўзгартишлар киритиш бўйича ўзларининг таклиф истакларини билдирмоқдалар.

Худди шундай таклиф ва мулоҳазалар ушбу йиғилишларда иштирок эта олмаган ёшларимиз, фуқароларимиз

томонидан ҳам кўплаб билдирилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ташаббус гуруҳи ҳаракатнинг Дастури ва Низоми лойиҳалари юзасидан билдирилаётган барча таклиф ва мулоҳазаларини таҳлил этиш, умумлаштириш мақсадида 2 та ишчи гуруҳи тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур ишчи гуруҳлари таркибига олимлар, мутахассислар, журналистлар жалб қилинган. Ишчи гуруҳлари томонидан ҳозиргача келиб тушган таклиф-мулоҳазаларни ўрганиш ва умумлаштириш ишлари бошлаб юбо-

рилди.

Ташаббус гуруҳи "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Дастури ва Низоми лойиҳалари бўйича ўзларининг аниқ таклиф ва мулоҳазаларини билдириш истагида бўлган ёшларга, барча фуқароларга 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 11-уй, 41-02-72, 41-01-83 телефонлари орқали мурожаат қилишлари мумкинлигини маълум қилади. Ҳаракатнинг Дастури ва Низоми бўйича билдирилган барча таклифлар, қўшимчалар, эътирозлар ишчи гуруҳи томонидан ўрганилиб чиқилади ва ҳисобга олинади.

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси, Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда Аналар ва болалар йили доирасида "Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия" мавзусида илмий-амалий конференция ўтказди.

Конференцияда иштирок этган Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Фуломова, Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н.Жўраев, Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Ш.Салимова ва бошқалар "Она ва бола давлат дастурининг ижтимоий ва сиёсий аҳамияти", "Оналар ва болалар: давлат сиёсати ва ижтимоий тараққиёти", "Ўзбекистон Республикаси Қонунларида болалар ҳуқуқи", "Болалар ўртасида маънавий-маърифий тарбия", "Умумтаълим мактабларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўргатиш методикаси" каби долзарб мавзуларда чиқишлар қилишди.

Тадбирда таълим ходимлари ва матбуот вакиллари қатнашдилар.

И.БҮРИБОЕВ

ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

Шу номдаги қизиқарли учрашув Сирғали туманидаги 317-ўрта таълим мактабида бўлиб ўтди. Ўқувчиларнинг ўқишдан ташқари бўш вақтларини маъмули ўтказиш, уларнинг қизиқишлари ва талаб-истакларини ўрганиш, қобилиятларини шакллантириш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбирда ўқувчилар катта қизиқиш билан иштирок этдилар.

Ҳалқ таълими вазирлигига қарашли республика ўқувчи-ёшлар маркази томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда марказ ходимлари ва мактаб юқори синф ўқувчиларининг эркин мулоқотлари қизғин баҳса айланиб кетди.

Тадбирда истеъдодли ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Кимдир, ажойиб созанда, кимдир моҳир раққоса экан. Ёш қаламкашлар ўзлари ёзган шеърларидан намуналар ўқиб бердилар. Марказ қошидаги "Гулруҳ" бадий жамоасининг чиқиши, айниқса ўқувчиларга манзур бўлди. Ушбу тадбир ўқувчиларга катта маънавий озуқа бериб, уларни ўз қизиққан соҳалари бўйича шуғулланиш имкониятини ҳам яратди.

Айниқса мактаб маъмурияти, ўқувчилар ва ота-оналар учун Марказда барча тўғарақларнинг беғул ташкил этилганлиги маъқул бўлди ва бу давлатимизнинг ёш авлод учун яна бир гамхўрлиги эканлигини таъкидладилар. Бундай қизиқарли мулоқотлар шаҳримизнинг бошқа мактабларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

Мавлуда МУҲАММАДИЕВА

Мамлакатимиз ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари ўртасида ўтказилган "Энг яхши кутубхона" кўрик-танловининг якунига бағишланган тадбир Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик-лицейида бўлиб ўтди. Мазкур кўрик-танлов ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари кутубхоналарининг фаолиятини "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида ташкил қилиш,

ғилганлар эътиборига танловда иштирок этган кутубхоналар ҳужжатлари, кўргазмали воситалари, уларнинг фаолиятларини акс эттирувчи видеотасмалардан лавҳалар намойиш этилди.

Кўрик-танлов якунлари тўғрисида ЎМКХТ Маркази ўқув адабиётлари нашрини режалаштириш, нашр қилиш ва таъминот бўлими бошлиғи, ҳакамлар ҳайъати раиси А.Авлиёқулов сўз олиб, танловда фаол иштирок этган Чилонзор академик лицейи, Самарқанд

Ko'rik-tanlov

залари билан ўртоқлашдилар.

Шундай қилиб, ҳакамлар ҳайъати ҳулосасига кўра, мезбонлар, яъни Чилонзор академик лицейи кутубхонаси "Энг яхши кутубхона" деб топилди. Самарқанд банк коллежи кутубхонаси иккинчи, Қарши маданият коллежи ҳамда Нукус педагогика коллежи кутубхоналари учинчи ўринларга муносиб бўлди. Ғолиб жамо-

ЭНГ ЯХШИ КУТУБХОНА САРАЛАНДИ

ёшларни етук, билимли қилиб тарбиялашда кутубхонанинг ролини янада ошириш ҳамда республикадаги ушбу бўғин ўқув муассасалари кутубхоналаридан энг яхшисини аниқлаш мақсадида ўтказилди.

Шу кунги академик лицейда танлов ҳакамлар ҳайъати аъзолари, вилоятларда ғолиб чиққан кутубхоналар мудирлари, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, пойтахтимизда малака ошираётган кутубхоначилар йиғилишди. Йи-

банк коллежи, Нукус педагогика коллежи, Қарши маданият коллежи, Зарафшон sanoat коллежи, Жиззах индустриал техникуми ва Сарийосиё қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежларини алоҳида кўрсатиш мумкинлигини таъкидлади.

Тадбирда ЎМКХТ Маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Х.Маъсудов, Тошкент Давлат техника университети ректори Қ.Аллаев, Тошкент шаҳар ЎМКХТ бошқармаси бошлиғининг муовини О.Кариовалар ўз фикр-мулоҳа-

аларга ЎМКХТ Маркази фахрий ёрлиғи ҳамда пул мукофотлари берилди. Яна шу нарса эътиборга молики, Марказ раҳбари буйруғи билан Низомда кўрсатилган пул мукофоти икки баравар оширилди. Бу эса соҳа ходимларини янада руҳлантириб юборди.

Куннинг иккинчи ярми Очик жағият институти ҳамкорлигида давра суҳбати ҳамда мезбонларнинг концерт дастурига уланиб кетди.

Т.КҮЧАРОВ,
К.МАВЛОНОВ,
ЎМКХТ Маркази етакчи мутахассислари

ТЕАТР — ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЎСТИРАДИ

Шу мавзуда куни кеча Теъмурийлар тарихи давлат музейи мажлислар залида театр арбоблари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни "Ўзбектеатр" ижодий бирлашмаси Бош директори Муҳаммадали Абдуқундузов олиб борди. Учрашувда саҳнага бугунги кун қахрамони олиб чиқиш ва шундай образларни яратиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан эканлиги таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри, Муқимий театри ва бошқа театр ижодкорлари ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этдилар.

ОЛИМ БИЛАН УЧРАШУВ

М. Уйғур номидаги ТДСИда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор, "Коинот" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош конструктори, Ўзбекистонда космонавтика соҳасидаги тадқиқотларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган олим Шавкат Воҳидов билан ижодий учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни институт ректори Омонулла Ризаев очиб берди. Сўнгра Шавкат Воҳидовнинг ўзбек аэрокосмонавтикасига оид фикр-мулоҳазалари тингланди.

Хусниддин ТОШКЕНБОВ

«МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ» ФАНИ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

IX СИНФ

Биринчи мавзу “Мафкуравий иммунитет нима?” деб аталади. Унда дастлаб Президентимиз Ислон Каримовнинг қуйидаги фикрлари асосида “Мафкуравий иммунитет” тушунчаси шарҳланади:

“Маълумки, ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимиз юрагида она Ватанга, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига соғлом муносабатни қарор топтиришимиз, таъбир жоиз бўлса, уларнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришимиз зарур”.

Кейин қуйидагиларга эътибор қаратилади.

Миллий ғоя асосидаги мафкуравий иммунитет ҳар бир йигит-қиз, фуқарода мустақилликнинг маъно-моҳияти, Президент Ислон Каримов асарларида илгари сурилган бунёдкор ғоялар, юртимизда амалга оширилаётган ислохот натижалари, Ватан ва дунё тарихи, умумбашарий цивилизация ютуқларига доир билимларга таянади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир киши, жамоа ва жамиятнинг мафкуравий билим даражасини беш ҳолатга ажратиши мумкин:

— биринчи ҳолат — юқорида зикр этилган билимлардан мутлақо беҳабар, шунинг учун ҳам турли ғояларга бефарқ, лоқайд;

— иккинчи ҳолат — билимлар бор, лекин улар ҳаёт билан боғланган эмас;

— учинчи ҳолат — ҳаётий, умумэтироф этилган сиёсий, мафкуравий билимлар бор, лекин ўқувчи уларни ҳаётда қўллашга қийналади;

— тўртинчи ҳолат — ўқувчи асосли билимларга эга, вазиятни тўғри баҳолайди, турли мафкуравий таъсирларга амалий муносабат билдира олади;

— бешинчи ҳолат — ўқувчи зарур билимларни пухта эгаллаб, уларни амалда бемалол қўллаб, бузғунчи ғояларга фаол қарши туради.

Мафкуравий иммунитет инсоннинг Ватан ва халқ манфаатлари йўлидаги фаолиятида намоён бўлади.

Мафкуравий иммунитет эркин, мустақил фикрлашни, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат билан қарашни, инсонпарварликни кундалик ҳаётнинг фазилатга айлантиришни тақозо этади.

Иккинчи мавзу “Комил инсон ғояси” деб аталади. Бунда, аввало, “комиллик” тушунчасига таъриф берилади.

Комиллик — мукамаллик деганидир.

Инсон мукамал бўлиши учун озод ва ҳур бўлиши лозим. Чунки озод ва ҳур инсонгина эркин ҳаракат қила олади, ўзининг жисмоний ва маънавий сифатларини ошириши йўлида интилади. Шунинг учун Ватанамиз мустақилликка эришганидан сўнг соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга эътибор кучайди.

Кейин қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади.

Комил инсон ва эркин фуқаролик жамияти. Бугунги кун қаҳра-

монлари, уларнинг асосий фазилятлари.

Учинчи мавзу “Ижтимоий ҳамкорлик” деб аталади. Унда, аввало, ижтимоий ҳамкорлик деб, турли миллатга, ҳар хил ижтимоий топфа ва гуруҳга мансуб фуқароларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигига айтилиши тушунтирилади ва қуйидаги таъриф ёдлашга топширилади.

Ижтимоий ҳамкорлик — ҳар бир юртдошимиз манфаатларидаги муштаракликдан ҳосил бўлувчи умумий мақсад ва шунга эришишга қаратилган ҳаракат бирлигидир.

Масалан, бизнинг ҳар биримиз мустақилликни мустақамлаш ишида иштирок этишни, Ўзбекистоннинг буюк келажагини кўришни ва бу билан фахр-ифтихор қилиб яшашни истаймиз. Ҳамма касб эгаси — деҳқон ҳам, чорвадор ҳам, тадбиркор ҳам юртимизда доимий барқарорлик ва ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлиб, ўз мулкнинг кўпайишини, барча орзуниятларига етишишини истайди. Миллий истиқлол ғоялари ана шу умумий мақсадларни лўнда ифода этувчи идеални кўрсатади. Бинобарин, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш ғояси ҳар бир ўзбекистонликнинг мақсад-муддаосига мос, шу боис уларнинг манфаатларини бирлаштириди, уларни буюк ишларга сафарбар қилади.

Юртдошларимизнинг ўзаро ҳурматда бўлиб, бир-бирини қадрлаши, юрт манфаатига зид ишни ўз манфаатига зид иш деб билиши, ўз манфаатига қарши қаратилган тажовузни эл-юрт манфаатига қилинган тажовуз деб тушуниши жамиятимиздаги умумийликни бирликни янада мустақамлайди. Ижтимоий ҳамкорлик кучайса, миллий ғоянинг миллий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучга айланиши ҳам ортади. Шунинг учун аҳолининг турли қатламлари ўз дастурий мақсадларини ана шу ғоялар билан уйғунлаштириши, ҳар бир шахс жамият манфаатларини акс эттирадиган устувор ғояларни амалга оширишда ўзини масъул деб билиши лозим. Чунки ягона Ўзбекистон манфаати 25 миллион инсонни бирлаштиради. Мана шу қудратли бирлик миллий ғоя асосида мустақамланса ва улкан вазифаларга йўналтирилса, юртимизда яшайётган барча инсонлар учун, тили, дини, миллати ва ижтимоий мансублигидан қатъи назар, саодат келтиради.

Тўртинчи мавзу — “Миллатлар аро ҳамжиҳатлик” деб аталади. У шу азиз Ватан—барчамизники ғоясининг маъно-мазмунини тушунтиришдан бошланади.

Жаҳоннинг аксарият мамлакатлари каби, Ўзбекистон ҳам кўпмиллатли давлат. 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари Ўзбекистонни ўз Ватани деб билади. Шунинг учун бу муבורак замин барчамизники. Чунки барчамизнинг бахт-саодатимиз мана шу Ватан равнақи билан боғлиқ.

Кейин қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади.

Миллатлараро тотувлик — умумбашарий қадрият. У ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган жамиятдаги турли миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатлигининг маънавий асосидир. Ҳар бир миллат ва-

кили ўз истеъдодини умумийлик мақсад йўлида сафарбар қилади. Бу эса фуқаролар бирлигини янада оширади. Шу маънода, Президент Ислон Каримовнинг қуйидаги фикрлари улкан аҳамиятга эга: “Ватан равнақи, халқ манфаати барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шарт. Том маънода мана шундай олижаноб туйғулар миллий ғоя ва миллий мафкурамизнинг ҳаёт дастурига айланишига эришиш даркор”.

Шунинг учун ҳам миллий истиқлол мафкураси ҳар қандай миллатчилик, бошқа элат ва халқларни менсимаслик қарашларидан мутлақо холи.

Шунингдек, қуйидагилар тушунтирилади.

Ўзбекистонда миллатлараро дўстлик ва тотувликнинг конституциявий асослари.

Ўрта Осиё халқларининг тарихий, маданий, маънавий, руҳий урф-одатлари, феъл-атвори ва тақдирларидаги муштаракликлар. Минтақа халқларининг ўзаро тотувлик ва ҳамкорликда яшаш зарурати. “Туркистон — умумий уйимиз” шиорининг моҳияти ва аҳамияти.

Миллатлараро мулоқот маданияти ва унинг намоён бўлиши мисоллар ёрдамида тушунтирилади.

Бешинчи мавзу — “Диний бағрикенглик” деб аталади. Унда, аввало, диний бағрикенглик маънавий қадриятларни ўзида мужассам этган ғоя экани, унинг турли дин ва эътиқодга мансуб кишиларнинг ягона Ватанда, олижаноб ғоя ва мақсадлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга хизмат қилиши тушунтирилади. Барча динларнинг эзгулик ғояларига асосланиши айтилади.

Кейин дунё тарихида диний бағрикенгликнинг зидди бўлган ҳолатлар — бир динни иккинчи бир динга қарши қўйиш, муайян дин ёки мазҳабни мутлақлаштирувчи кучларнинг гаразли мақсадлар билан низо чиқаришга интилишлари бир неча мисоллар ёрдамида тушунтирилади.

Сўнгги мамлакатимиз азалдан кўп динларнинг макони бўлгани, турли дин ва мазҳаб вакиллари бу заминда асрлар давомида аҳил ва иноқ яшаб келгани, ҳозирги кунда Ўзбекистонда ўндан зиёда конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатаётгани таъкидланади.

Шунингдек, қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунида диний бағрикенглик учун барча ҳуқуқий асослар яратилгани.

Ислон динидаги асосий мазҳаблар. Ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган мазҳаб. Ислон дини моҳиятига диний ақидапарастлик ғояларининг зидлиги.

Олтинчи мавзу — “Ўзбекистон — ягона Ватан” деб аталади. Дастлаб Ватан—табаррук маскан, буюк мерос, азиз хотира, муқаддас замин, ҳар бир инсон учун ғурур-ифтихор, бахт-саодат, тинчлик-осойишталик манбаи экани, ҳар бир юртдошимизнинг юрт олдидаги масъулияти тушунтирилади.

Шундан кейин “ватанпарварлик” тушунчаси шарҳланади.

Ватанпарварлик — инсоннинг ўз юрти манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фидоийлиги, Ватаннинг ҳар қарич гуруҳи, ҳар бир гиёҳни кўз қорачиғидай асраши, унинг учун, зарур бўлганда, жонини ҳам фидо этишидир.

Широқнинг ўз Ватанини ёлар зулмидан озод этиш учун жонини фидо қилгани, Отабекнинг чор аскарларига қарши мардона жангга кириб ҳалок бўлгани, Тўмариснинг тенгсиз шижоати — ватанпарварликнинг ёркин кўринишидир. Ватанпарвар инсонларнинг номи халқ қалбида абадий яшайди.

Бугунги Ўзбекистоннинг энг буюк ватанпарвари Президент Ислон Каримовдир. Юртбошимиз мамлакатимизни мустақилликка бошлаб, унинг дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашида мислсиз хизматлар қилмоқда, энг оғир вазиятларда ҳам “Биз танлаган йўлимиздан қайтмаймиз!” деб халқни олға бошламоқда.

Бугунги кунда спорт соҳасида, санъатда, ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришайётган юртдошларимиз Ватанамиз доврўгини дунёга ёймоқда.

Еттинчи мавзу “Она тили — миллат руҳи” деб аталади. Унда, аввало, тилларнинг пайдо бўлиши, тил—миллатнинг устувор белгиларидан бири эканлиги, она тили эзгу фазилятлар манбаи бўлиб хизмат қилиши, у инсон камолотида беқиёс ўрин тутиши, ўз тилини йўқотган миллатнинг ўзликдан маҳрум бўлиши, тил билиш юксак маданият эканлиги тушунтирилади.

Мустақилликка эришилганидан кейин ўзбек тили ривожини янги тараққиёт босқичи бошлангани айтилади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Конституциясида ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми белгилаб қўйилгани, “Давлат тили туркисиди”ги Қонуннинг аҳамияти, Президентимизнинг мустақиллик йилларида ўзбек тилининг обрусини ошириш борасида олиб борган сиёсати ҳақида гапирилади.

Кейин қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади.

Тилнинг халқ ҳаётида, ижтимоий ислохотларда, унинг жаҳон ҳамжамиятида узига хос урин эгаллаши. “Тилга эътибор — элга эътибор” мақолининг мазмуни. Ўзбек тилининг дунёдаги энг қадимий ва бой тиллардан бири экани, қадимий битиклар, Алишер Навоийнинг “Хамса”, “Хазойинул-маъний” каби асарлари, Аҳмад Яссавий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий, Лутфий, Бобур, Машраб, Оғахий, Нодирларнинг китоблари шу тилда ёзилгани. Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Аваз Утар, Маҳмудхуҷа Бехбудий, Ибрат каби алломаларимизнинг она тилини эъозлаш тўғрисидаги фикрлари.

Саккизинчи мавзу “Жаҳолатга қарши маърифат” деб аталади. Унда бугунги кунда инсонлар, аввало, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга уриниш, уларга қарши маърифат билан курашиш йўллари тушунтирилади.

Маърифат билан курашиш деб, бирон-бир хавфнинг моҳиятини, оқибатларини чуқур англаб, унга қарши билим билан, онгли равишда курашишга айтилади.

Шундан сўнг бугунги кунда жа-

миятимиз ҳаётига жиддий хавф туғдирадиган мафкуравий таҳдидлар куйидагилардан иборат экани тушунтирилади:

— ислон халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусулмон халқларни янги империяга бирлаштиришга қаратилган интилишлар;

— ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси;

— тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва диннинг моҳиятини сохталаштиришга уринишлар;

— ахлоқсизлик ғояларини ёйиб, халқни маънавий жиҳатдан бузишга интилишлар;

— турли мафкуравий воситалар орқали минтақавий ва давлатлараро можароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар.

Шундан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларга эътибор қаратилади.

Ваҳҳобийлик, “ҳизбут-таҳрир” каби зарарли оқимларнинг қораниятлари, Ватанни диний ақидапарастлар ва террорчилардан ҳимоя қилган юрт фидоийлари.

Президентимиз Ислон Каримовнинг огоҳлик ва ҳушёрликка қаратилган даъватининг долзарб аҳамияти. Ўзбекистонлик ёшларнинг Ватан, миллат олдидаги ғоявий бурч ва мажбуриятлари.

Кейин диний экстремизмнинг ҳозирги кунда минтақамизга хавф солиб тургани. Муқаддас динимизнинг асл моҳиятини билмайдиган айрим гур ёшларнинг дин ниқоби остидаги баъзи зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолаётгани, бунга йул қўймаслик учун уларнинг қалби ва онгида миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари негизда соғлом эътиқод, дунёқараш ва мафкуравий иммунитет асосларини шакллантириш зарурлиги таъкидланади. Мамлакатимизда ёшларни юксак маърифатли қилиб тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Соғлом авлод дастури амалга оширилаётгани, замонавий лицей ва коллежлар ишга туширилаётгани, ёшларнинг “Камолот” ижтимоий ҳаракати тузилаётгани, истеъдодли болалар хорижга уқишга юборилаётгани уқувчиларга айтилади.

Оила — мафкуравий тарбиянинг ижтимоий омилларидан биридир. IX синф ўқувчиси эса мустақил оилавий ҳаёт остонасида турган кичик шахсдир. Шунинг учун балоғат ёшидаги йигит ва қизлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш уларга “Оила — муқаддас даргоҳ” (тўққизинчи мавзу) эканлиги ҳақида чуқур билим бериш, уларнинг малака ва кўникмаларини шакллантириш орқали амалга оширилади.

Ўқитувчининг асосий вазифаси мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини янада ошириш, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини мустақамлаш, улар учун шарт-шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган диққатга сазовор ишлар мазмуни ва моҳияти орқали оиланинг кичик бир мамлакат, жамиятнинг негизи, маънавийнинг бешиги эканлигини ҳар бир йигит-қиз онгига сингдиришдан иборатдир.

(Давоми 4-бетда)

(Давоми.)

Боши газетамизнинг 2001 йил 17 февраль сониди)

(Давоми. Боши 3-бетда)

Ўқитувчи оила ҳар бир халқнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган, янги авлодни дунёга келтириб, уни жамият, Ватан учун муносиб фарзандлар қилиб тарбиялайдиган, шахс келажаги учун маънавий-мафкуравий пойдевор ҳисобланадиган муқаддас маскан эканлигини оила ҳақидаги қатор фикрлар билан асослайди. И.А.Каримов айтганидек: «Бола туғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади».

Юртбошимизнинг ушбу фикрларига таяниб оиланинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилди. Яъни оила табиатнинг энг гўзал мўъжизаларидан бири бўлиб, у инсонларга хос «табиий-биологик» (жинсий муносабатлар, бола туғиш), иқтисодий (мулкий муносабатлар, уй-рўзгорни бошқариш), ҳуқуқий (никоҳни давлат йўли билан қайд этиш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-оқибат туйғуси ва бошқалар) муносабатларига асосланган ижтимоий бирлик эканлиги. Оила — фарзанд кўриш, авлодлар давомийлиги, ер юзида инсоният тарихий тараққиётини таъминлаш, ота-она, болалар ва кекса авлоддан иборат кичик жамиятнинг яхлит ядросини ташкил этувчи кўрғон, тарбия ўчоғи, жамият тараққиётини белгиловчи асосий мезон каби вазифаларни бажаради.

Нима учун мамлакатимизда оила ва унинг муқаддаслигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар бу қадар юксак даражага кўтарилди? деган саволнинг моҳияти, Президентимизнинг «оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир» деган фикрлари мазмунини изоҳлаш билан очиб берилди. Дарҳақиқат, оила пойдеворининг мустақамлиги, унинг моддий ва маънавий баркамоллиги, фаровонлиги, оила аъзоларининг тинч-тотувлиги давлат ва жамият, миллат фаровонлиги негизидир. Бу эса миллий истиқлолимизнинг асосий ғояларидан бири бўлиб, у қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топаётганлиги мустақиллик йилларида ҳуқуқимиз томонидан амалга ошириладиган ишлар мисолида изоҳланади.

— Оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида амалга ошириладиган ишлар.

— Оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида оиланинг ҳар бир аъзоси соғлигини муҳофаза этиш, билим олиш даражасини ошириш учун имкониятларни яхшилаш.

— Ўқитувчи алоҳида эътибор берадиган масала оиланинг маънавий-ахлоқий асосларини ва маданий манфаатларини шакллантириш борасида амалга ошириладиган ва қилиниши зарур бўлган ишлардир.

— Оиланинг соғлом, ақл-заковатли ёш авлодни тарбиялашдаги ролини ошириш, ҳар томонлама камол топган баркамол авлодни тарбиялашда оила ва жамиятнинг вазифаларини такомиллаштириш юзасидан амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ўқувчиларга алоҳида маълумот берилди.

Ушбу йўналишда ўқувчи сингдирилиши лозим бўлган тушунчалар ўнинчи «Оилада фарзанд тарбияси» мавзусини ўрганишда кенг ва атрофлича тушунтирилади. Жумладан, қизларнинг келинлик даври ва у билан боғлиқ расм-ру-

сумлар, ахлоқ-одоб қоидалари. Ҳомиладор аёл одоби ва тарбияси. Оилада фарзанд тарбиясининг педагогик-психологик хусусиятлари. Фарзанд тарбияси билан боғлиқ миллий қадриятлар ва уларнинг амалиётдаги аҳамияти. Ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги ўрни. Фарзанд тарбиясида жамият ва оила мақсадининг бирлиги. Болада саломатлик ва шахсий гигиена қоидалари малака ва кўникмаларини шакллантириш. Боланинг дам олиши, ҳордиқ чиқариши, ўйин жараёнини ташкил этиш, дунёқарашини шакллантириш билан боғлиқ масалалар. Ёшларни оилага тайёрлаш ва унинг аҳамияти, бола хулқи, ахлоқ-одоби, хатти-ҳаракатини доимий назорат қилиш — уни ҳар хил ноахлоқий хатти-ҳаракатлар, оқимларга кириб қолишининг олдини олувчи мезонлардан бири эканлиги ўқувчилар онгига сингдирилади.

Ўн биринчи. «Оилада ота ва она ўрни, фарзандлик бурчи» мавзусини ўрганиш жараёнида ота-онанинг оила таянчи, энг ҳурматли ва мўътабар инсон, оиланинг маънавий ва моддий таъминотчилари эканлиги, ота-онанинг фарзанд олдидаги, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ва вазифалари ҳақида ўқувчи билим берилди.

Мустақил ҳаёт остонасида турган йигит ва қизлар учун ота-онанинг маънавий дунёси, мулоқот маданияти, дунёқараши, жамиятда тутган ўрни намуна мактабидир.

Фарзандга яхши исм қўйиш, жисмоний ва маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, касб ўргатиш, чуқур билим ва ҳаётга тўғри йўлланма бериш, фарзанднинг эса ота-она панд-насиҳатларига оғишмай амал қилиши, уларни ранжитмаслик, кексайганда моддий таъминлаш, ҳолидан хабар олиш каби масалалар ҳар бир ўқувчи онгига ҳаётий мисоллар орқали сингдирилади.

Шарқ мутафаккирлари, муҳаддислар, буюк шоир ва адиблар ижодларидан намуналар келтирилади.

Ўн иккинчи. «Оилада меҳнат муҳити» мавзуси орқали оила меҳнатга ижобий муносабатни тарбиялашнинг муҳим воситаси эканлиги ўқувчи онгига сингдирилади.

Инсоннинг инсон сифатида қадр-қиммат топишининг, фаровон ҳаёт кечиришининг асосий мезони меҳнатдир. Мустақил ҳаёт остонасида турган ўсмир учун оилада меҳнат жараёнини тўғри ташкил этиш, оила аъзолари ўртасида меҳнатнинг тўғри тақсимланиши, ҳалол меҳнат инсонга бахт келтириши, меҳнат турлари, меҳнат жараёнида саранжом-саришталик, озодликка риоя этиш, меҳнатнинг ихтиёрийлиги ва мажбурийлиги, меҳнатни рағбатлантиришнинг тарбиявий аҳамияти ҳақидаги билим уларда меҳнатсеварлик, унга виждонан ижодий муносабатни шакллантиради.

Меҳнат жараёнида тежамкорликка, ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор бериш ҳам унинг унумдорлигини таъминлаш омилidir.

Ўқитувчи меҳнатнинг ижобий томонлари билан бир қаторда меҳнатни севмаслик, ундан бош тортиш, дангасалик, ўз меҳнатидан роҳатланмаслик инсон ҳаётининг мазмунсиз ўтиши, оилани маънавий ва иқтисодий таназзулга олиб келувчи сабаблар эканлиги ҳақида ҳам маълумот беради.

Мазкур машғулот меҳнатнинг хосияти ва унинг инсон ҳаётида, оила фаровонлигини таъминлашда тутган ўрни ҳақидаги мақол, ҳикматли сўзлар, ҳадис намуналари, шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларидан мисоллар билан мазмунан бойитилади.

Шунингдек, ўзбек халқи хос

бўлган меҳнатсеварлик, меҳнатда ижодкорликнинг намунаси сифатида асрлар давомида дунёни лол қолдириб келаётган ноёб тарихий обидалар, мустақиллик йилларида барпо этиладиган катта-катта иншоотлар, йўللар, бозорлар, тарихий шахслар номи билан боғлиқ ёдгорликлар ҳақида маълумот берилди.

Ўн учинчи. «Рўзгор сирлари. Уй тутиш ҳақида» мавзуси орқали ўқувчи оиланинг тинч-тотувлиги кўп жиҳатдан унинг тозаллиги, саранжом-саришталигига боғлиқ эканлиги, шунинг учун уйда озодликка риоя этиш, гигиена қоидаларига амал қилиш, хоналарнинг жойлашиши ва улардаги ҳавонинг тозаллигига эътибор бериш, хоналарни жиҳозлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида билим берилди.

Шунингдек, ҳар бир оиланинг ўз сир бўлиши (эр-хотин, фарзанд ва ота-она ўртасида) ва сир оиладан ташқарига чиқмаслиги кераклиги, бу эса оиланинг тотувлигини таъминлаш мезонларидан бири эканлиги ўқувчи онгига etkazилади. Дўстлар, оила ва жамият сирини сақлай билиш ва бунинг ижобий томонлари ҳақида ҳаётий мисоллар келтирилади.

Донишмандларнинг сир сақлай олиш ва уй тутиш ҳақидаги фикрлари ҳамда халқ оғзаки ижодидан намуналар келтириш орқали мазкурнинг тарбиявий аҳамияти очиб берилди.

Амалий машғулотда наъмунали хонадонлардан бирига саёҳат уюштирилади.

Ўн тўртинчи. «Оилада меҳмон кутиш» мавзуси орқали меҳмоннинг улуглиги, меҳмон кутиш инсонийликнинг ва дўстликнинг пойдевори эканлиги, меҳмонга бориш, меҳмоннавозлик қоидалари ҳақидаги билимлар миллий урф-одат ва анъаналаримиз асосида ўқувчилар онгига сингдирилади. Меҳмондўстлик орқали кишилар ўртасида меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, оқибатчилик, одамгарчилик, иззат-икром, дўстлик, биродарлик каби фазилатлар шаклланади, миллий урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар сайқалланиб боради. Ўқувчиларга ҳар бир халқнинг меҳмон кутишдаги миллий, ирқий, ҳудудий шарт-шароитлари, одатлари, хусусиятлари, Ўрта Осиё халқларининг жаҳонда меҳмондўстлиги билан машҳурлиги, ўзбек оиласида меҳмон кутишнинг ўзига хос хусусиятлари, меҳмон кутиш ва мезобонлик қоидалари ҳақида маълумотлар берилди. Дастурхон безаш, меҳмондорчиликка таклиф этиш, меҳмон ва мезобоннинг кийиниш маданияти ҳамда меҳмон кутишда у билан суҳбат қуриш алоҳида санъат эканлиги, мезобон буни доимо эсда сақлаши лозимлиги уқтирилади.

Меҳмоннавозликда оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари ва меҳмонга нисбатан такаллуфи, таом тайёрлаш ва меҳмон билан тановул қилиш одоби, меҳмондорчиликда суҳбатлашиш маданияти, дастурхон атрофида ўтириш қоидалари, мезобоннинг меҳмонни кузатиш қоидалари ўқувчилар онгига сингдирилади.

Амалий машғулот: ўзбек оилаларида меҳмон кутиш тартиб-қоидаларига биноан дастурхон тузатиш, меҳмон кутиш, меҳмон билан мулоқот қилиш, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, таом тайёрлаш, меҳмонни кузатиш ва бошқа меҳмоннавозлик қоидаларига амал қилиш синф ўқувчилари билан муҳокама этилади.

«Оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари» (Ўн бешинчи мавзу) бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда. Чунки оиланинг мустақамлиги кўп жиҳатдан оила аъзоларининг

ўзаро муносабатларига боғлиқдир. Агар уйда оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат, самимият, хайри-хоҳлик, ўзаро ёрдам муносабатлари таркиб топса, оила аъзолари бир-бирларига меҳрибон ва яхши муомалани бўлсалар, бир-бирларини яхши тушунсалар, оила тобора мустақамланиб боради. Оилада соғлом турмуш тарзини вужудга келтириш нафақат оила балки жамият тараққиёти омили эканлиги, шу масала борасида мамлакатимизда амалга ошириладиган муҳим қадамлар ўқувчилар онгига etkazилади. Шунинг учун ҳам ушбу мавзунини ўтишда ўқувчиларга оилавий муносабатлар асосан меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурматга асосланган бўлмоғи лозимлиги, ўзаро муносабатларда салбий ҳис-туйғуларни жиловлай олиш, рашк, гина-қудуратнинг олдини олиш йўллари ҳақида билим берилди. «Нимани ўзинга раво кўрсанг, уни бошқага ҳам раво кўр», «Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади» ибораларининг мазмуни тушунтирилади.

Шу билан бирга ўзаро келиш-мовчилик ва жанжал бўлган уйда роҳат бўлмаслиги, бу оилада соувқ кайфият ҳукм суриши ва бу кайфият инсонга салбий таъсир кўрсатиши ҳаётий мисоллар, ривоятлар орқали очиб берилди. Оила аъзолари ўртасидаги бу зиддиятларни ҳал этишда катталарнинг роли ва ёшларнинг вазифалари ўқувчига etkazилади.

Ёшларнинг кексаларга ҳурмати, хизмат қилмоқликнинг фарзлиги, «хизмат этган ҳурмат кўрар» нақлининг мазмуни ўқувчилар онгига etkazилади. Авлодлар занжирини ҳақида билим берилди.

Амалий машғулотда эса элга манзур хонадон кексаларидан бирини таклиф этиб, оила аъзолари ўртасидаги «Муомала одоби» мавзусида баҳс ўтказилади.

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги муомала маданиятига оид парчалар ўқилиб, ўзбекона хислат ва чизгилар муҳокама этилади.

Ўн олтинчи. «Оиланинг моддий таъминоти, тежамкорлик, сарф-харажат, исрофгарчилик» мавзуси орқали ўқувчи тежамкорликнинг оиладан бошланиши, ҳисоб-китоб юритиш ўқуви, йил фаслларида оилада маҳсулотларнинг сифатини сақлаш йўллари, исрофгарчиликка йўл қўймайлик, оила иқтисоди ва тақсимоти ҳақида билимлар берилди. Шинамлик ва нафисликка ўргатилади.

Оила ва жамиятнинг моддий фаровонлигини таъминлашда тежамкорликнинг аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳам ўқувчини тежамкорликка, кийим кийиш, пойабзалларни асраш, уй жиҳозларини асраш ва жой-жойига қўйишга, озиқ-овқат маҳсулотларига қайта ҳаёт бағишлашга ўргатилади.

Ушбу мавзунини ёритишда бутун эътибор ёшларни тежамкор, ўз Ватани бойликларини эҳтиёт қила оладиган, уларни кўз қорачиқдай сақлайдиган шахс сифатида шакллантиришга қаратилади.

Амалий машғулотда оила, синф, мактаб таъминоти оид ишбоп ўйин ташкил этилади. Муаммоли вазиятлар юзга келтирилади ва ўқувчилар билан биргаликда уларни ҳал этиш йўллари муҳокама қилинади.

Ёшларнинг маънавий маданиятини шакллантиришнинг муҳим воситаларидан бири урф-одатлар, анъаналар ва маросимлардир. 9-синф ўқувчиси «Оилада халқ байрамлари билан боғлиқ анъаналар, маросимлар ҳамда уларни нишонлаш» мавзусини ўрганишда миллий истиқлолимизнинг моҳиятини бу борада мамлакатимизда амалга ошириладиган муҳим ўзгаришлар мисолида чуқур англаб ета-

дилар.

Ўқитувчи халқ байрамлари, анъаналари, маросимларининг пайдо бўлиши, қадрият сифатида шаклланиши ва инсон ҳаётидаги, оила маънавиятини тарбиялашдаги ўрни ҳақида ўқувчи маълумот берадиган экан, асосан қуйидаги тушунчаларга тўхталади: Халқ байрамларининг оилада, халқ орасида ўтказилиши. Халқ байрамлари шод-хуррамлик, ўзаро меҳр-муруват, эътиқод, иймон ва миллий руҳиятни намоён қилиш шакли сифатида.

Халқ байрамлари билан боғлиқ оилавий анъаналар, маросимлар, удум ва урф-одатларнинг тарихи ва миллий моҳияти. Оилада чақалоқнинг туғилган кунини нишонлаш, унга исм қўйиш, боланинг биринчи қадами, мучал ёши, никоҳ тўйи, қизлар мажлиси, келинчак қўлидан чой ичиш, қанда қақириқ, бешик тўйи, ҳовли тўйи, пайгамбар ёши, 40, 50, 60, 70, 80 ва ҳоказо ёшларни нишонлаш ва уларнинг меъёрлари.

Кейинги вақтларда оила анъаналари билан боғлиқ баъзи салбий ҳолатларнинг пайдо бўлганлиги ва уларнинг бозор иқтисоди шароитидаги оқибатлари, бу ҳолатларнинг олдини олиш йўллари хусусида атрофлича маълумот берилди.

Оилада мотам маросимлари билан боғлиқ урф-одатлар ва уларни ўтказиш қоидалари. Мотам маросимларида тайёрланадиган таомлар, кийиладиган кийимлар.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 1998 йил 28 октябрдаги тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумларнинг хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони ва унинг аҳамиятлари.

Амалий машғулотда ўқувчилар бирор оилада ўтказиладиган маросимда қатнашадилар ва реферат тайёрлайдилар.

Шарқда инсонлар ўртасидаги бирлик ва ҳамжиҳатликнинг ноёб шакли маҳалладир. Маҳалланинг ўзига хос муқаддас даргоҳ эканлиги, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш миллий модели намунаси сифатида унинг иш мазмуни ҳақида ўқувчида «Маҳалла демократия дарсхонаси» (Ўн саккизинчи) мавзуси орқали билим, малака ва кўникмалар шакллантирилади.

Шунингдек, маҳалла шарқона анъаналар, урф-одатлар ва удумларни жамоа асосида амалга оширувчи, авлоддан авлодга etkazувчи маънавий маданият ўчоғи эканлиги, унинг пайдо бўлиши, шаклланиши, унда оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт, ташкилий тадбирлар, оилалар, ёшлар, хотин-қизлар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар ҳақида чуқур маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида»ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорлари мустақиллик шарофати эканлиги ва уларнинг моҳияти очиб берилди.

Мазкур фани ўргатишда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисола-суга илова қилинган адабиётлардан фойдаланиш тавсия этилади.

ХТБ қошида ташкил этилган муаллифлар гуруҳи:
профессор **О.Мусурмонова**, педагогика фанлари докторлари **С.Нишонов**, **М.Курунов**, адабиётшунос **М.Қаршибоев**

Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул этилганидан буён ўтган қисқа даврда умумтаълим мактаб ўқувчиларининг билим даражаларини баҳолаш ва бу борадаги камчиликларни аниқлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Мазкур меъёрий ҳужжатлар асосида Халқ таълими вазирлиги “Таълим тараққиёти” ахборотномасининг 2000 йил 4-5 (8)-сонларида эълон қилинган вилоятлараро (айрим туманлар бўйича) таҳлиллар ўқувчилар билим даражалари аҳоли тўғрисида тасаввур уйғотди. Бу эса Давлат тест марказининг абитуриентлар билим самарадорликлари бўйича таҳлилий материаллари билан уйғунлашган ҳолда навбатдаги вазифаларимиз, муаммоларимизни янада ойдинлаштирди. Аммо таъкидлаш жоизки, ўқувчилар билим даражаларини қайта-қайта текшириш ва бу борадаги камчиликларни бартараф этиш баробарида ўқитувчилар билими ва маҳоратларининг ҳам давлат таълим стандартлари максимал талаблари асосида мониторингини ишлаб чиқиш кутилган самара бериши шубҳасиздир.

Демак, жаҳон талабларига мос ўқувчиларни тарбиялаш, уларга таълим бериш ва ўз ордидан эргаштира олиши учун бугуннинг устозига қандай тартибда ёрдам бериш мумкин? Улар учун муносиб услубий, маънавий муҳит яратишнинг йўллари, даражалари қай тарзда белгиланади?

Албатта, республикамизда ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, ЎзПФТИ, таълим маркази муайян ишларни амалга оширмоқдалар. Аммо бу муаммони жойларда, туман, шаҳар миқёсида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали йўллари устида изланиш, ижодкорлик муҳитини яратишни мақсадга янада яқинлаштириш, баҳам-жихатликни қарор топтирган бўлур эди.

УСТОЗ МЕХНАТИ ҚАНДАЙ БАҲОЛОНАДИ?

Ўқитувчиларнинг маҳорат малакасини аниқлаш, дарс сифатини таҳлил қилиш, уларнинг билим самарадорлигини таққослаш ва рақобатбардош мутахассисларни аниқлаш мақсадида туман фан ўқитувчилари ва мутахассислари махсус тузилган ва мураккаблаштирилган тест синовидан ўтказилди. Бунда саволларнинг таркиби ва мазмуни аниқ, яъни ўқитувчи ҳақида яққол тасаввур беҳа олаётган шаклга келтирилди. Жумладан, туманмизда ўқитувчининг ижтимоий-сиёсий дунёқарашини акс эттирувчи; таълимга оид давлат ҳужжатларидан боғбарлиги; ўз фанининг таркибий қисмларини қай даражада ўзлаштирилганлиги; педагогик-психологик маҳорати; ота-оналар, жамоатчилик, маҳалла билан ишлаш олиш қобилияти каби омиллар, умуман, тест тузишда ҳар томонлама етук, намунали инсон—устозга қўйилган талаблар умумлаштиришга ҳаракат қилинди (Тест синови ўтказиш тартибларини ишлаб чиқишда ҳам ўзига хос жиҳатларга эътибор қаратилди. Яъни, республика, вилоят миқёсидаги турли кўрик-танловлар, фойдаланиш, ижодкор ўқитувчилар каби устозлар борки, улар туманда шу фан ўқитиши бўйича ўз мактабини яратишган. Шунингдек, давлат ва юқори ташкилотларнинг махсус мукофотларига сазовор устозлар ҳам тест синовларидан озод этилгани ҳолда улар тест саволлари тузишга қўмақлашишди). Тест синовига қўйилган ўқитувчилар фанлар бўйича 1 йилдан 5 йилгача: 5 йилдан 10 йилгача: 10 йил ва ундан ортиқ иш даврига эга бўлганлар гуруҳларига ажратилди. Айни вақтда фанлар бўйича ўқитувчилардан бир жойда ва бир вақтда тест синови ўтказилишида масалага тўғри ёндашув, ҳалоллик, тумандаги мазкур фан ўқитиши учун ҳизмат қиладиган кучтуман адабиётчилари (ёки физиклар, химиклар, математиклар) салоҳиятини аниқлаб бер-

ди. Бу таҳлил ўз ўрнида камчиликларни ҳам ойдинлаштирди. Айни вақтда мазкур фан ўқитишида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни бартараф этишнинг самарали йўллари кўрсатиб берди. Барча ўқитувчилар тест синовидан ўтказилганидан сўнг гуруҳланиш кузатилади. Яъни, саволларнинг таркибий бўлинишига кўра синовдан ўтганлар қуйидагича гуруҳларга ажратилди ва мақсадли курсларга жалб этилди:

1. Таълимга оид давлат ҳужжатлари бўйича нисбатан кам билимли бўлган турли фанлар ўқитувчилари. Улар учун жойларда мақсадли курслар ташкил этилди. Бунда тест натижаларидан келиб чиқиб, ўқув дастури белгиланди. Мазкур курс учун Республикаимиз Президенти асарлари, “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Халқ таълими вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари ва барча матбуот нашрларидан фойдаланилди.

2. Ўз фани бўйича билими давлат таълим стандартларига жавоб бермайдиган ўқитувчилар. Улар учун курслар ташкил этиш нисбатан мураккаброкдир. Бу борада, аввало, синфма-синф бўлинишига эътибор қаратилди.

Бунда ушбу ўқитувчига ўзи яхши ўзлаштирган синфларга дарс ўтиш тавсия этилди.

Юқоридагилар қатори чуқур билимга эга, аммо услубий ёрдамга муҳтож ўқитувчилар ҳам борки, улар кўпчиликни ташкил қилади. Бу масала бўйича нонанавий дарс турлари, янги услублар, янги педагогик технологияларни дарс жараёнига татбиқ этиш ҳаракатидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, тажрибасизларни ижодкор, малакали ўқитувчи-

ларга бириктириш ҳам самарали натижалар гарови бўла олади. Айниқса, олий ўқув юртини эндигина тамомлаб келган ёш ўқитувчиларни эътиборда тутиш муҳимдир. Услубий ёрдамга муҳтож ўқитувчиларни педагогика-психология йўналишида малака оширишга жўнатиш режалаштирилди, улар учун қисқа муддатли курслар ташкил этиш чора-тадбирлари ҳам кўрилди. Таъкидланган гуруҳлар қаторида аниқланган мактаб шароитига кўра (кабинет йўқлиги ёки жиҳозланмаганлиги), ота-оналар (дарслик ва ҳоказо), маҳалла, жамоатчилик билан ҳамкорлик ўрнатиши каби қатор муаммоларни ҳам ажратиш мумкин.

Мазкур вазифалар тўлиқ амалга оширилгач, (янги ўқув йили олдидан август ойида ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади) туман миқёсида ўқитувчилар билим даражалари рейтингини юзага келдики, буларнинг мактабма-мактаб жамланмаси ушбу таълим муассасасининг билимдонлик салоҳиятини кўрсатиб берди. Унутмаслик керакки, ўқитувчилар билими ва маҳоратини баҳолашда ўқувчи

ишлаб чиқиш ва барча муассасаларга ўз вақтида етказиш муҳим аҳамиятга эга.

МУТАНОСИБЛИК

Юқорида таъкидланган энг тажрибали ўқитувчи ва энг билимдон синф (шунингдек, энг билимдон ўқувчи)ларнинг ҳолисона баҳоламини туман миқёсида (вилоят, республика) фанлар харитасини юзага келтиради. Яъни, кутилмаган тажриба майдончалари, илғор иш услуб марказлари, таянч нуқталар пайдо бўладики, бунда доимий “сахнадаги” ўқитувчилар ҳам изланишга мажбур бўладилар. Қолаверса, бугун Республика Давлат Тест маркази ният қилаётган масофадан тест синовлари олиш масаласи янада ойдинлашади. Ўқувчининг олий ўқув юртига қабул этилиши талабларини бажариш учун қуйи синфлардан оқ ҳаракат бошланади. Яъни ўқитувчи билим, маҳорати-ўқувчи билим самарадорли-

тутган ҳолда, туман миқёсида марказлашган шўъба йиғинларини ўтказиш қатор имкониятлар туғдиради. Жумладан, ўқитувчилар тест синовларидан аниқланганига кўра, мураккаб ёки янги мавзуларни мукамал ўзлаштирган устозлар маърузаси муҳокама этилади.

Иккинчидан, педагогик инновацияларни тўплаш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш тезлашади. Мактаблараро фикрий тафовутлар йўқолиб боради, янгиликлар ўз вақтида, тегишли мутахассисларга тенг тарқалади.

Учинчидан, мазкур марказ ёш ўқитувчилар учун таянч макон вазифасини бажаради. Улар устозлар давраси, баҳс-мунозарасидан баҳраманд бўладилар.

Тўртинчидан, мазкур (доимий ҳаракатдаги) шўъба йиғинлари янги педагогик технологиялар, услублар ўчоғи бўлишига шубҳа йўқ. Қолаверса, бу ерга келган ўқитувчи баҳсларга тайёрланиб келади.

Умуман, шўъба йиғинлари янги ўқув йили бошидаги август шўъба йиғинлари қайфиятини йил давомида сақлаб туради. Барча янгиликлар, муаммолар биргаликда ҳал этилади.

Марказлашган шўъба йиғинлари ўтказиладиган жойни жиҳозлаш, янги ахборотларни (матбуот нашрлари, тавсияномалар, меъёрий ҳужжатлар, таҳлиллар) ва ўқитувчиларига етказиш туман халқ таълими бўлими зиммасига тушади. Бу марказлар ахборот-таҳлил маркази, доимий малака ошириш курси, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш минбари каби вазифаларни ҳам бажаради. Асосийси эса, шўъба йиғинлари ўқитувчиларнинг мактабларда номмагина мавжуд бўлган услубий бирлашмалар фаолиятига ҳам ижобий таъсир этувчи илғор фикр-мулоҳазалар билан бойитилган катта муҳитга олиб қиради.

ХУЛОСА: ДАРС

Тумандаги фан ўқитувчиларининг тест синовларидан ўтказилиши ҳамда мавжуд аҳволга кўра курслар ташкил этилиши ва ўқитувчилар орасидаги нисбий тафовутларни камайтириш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш орқали таълим соҳасидаги янгиликларни ўзлаштириб боришнинг аниқ механизми пайдо бўлади. Бугунги ўзгаришлар даврида шундай механизмлар бўлмағи мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи меҳнати-ўқувчиларнинг билим даражаси, фан олимпиадаларидаги ўрни, олий ўқув юртига киришлари, бир сўз билан айтганда, шогирдларининг миқдори ва сифати ҳаётдан ўз ўринларини топгандагина тўла намоян бўлади. Яъни, ўқитувчи-устознинг ички дунёсининг қай даражада кенглиги, бутунлиги, дунёқарашининг мустаҳкамлиги унинг шогирдлари қиёфасида ва кўплигида акс этади. Қисқаси, ҳар икки томонни бир нуқтада бирлаштирувчи жараён дарсдир.

Хумоюн АҚБАРОВ,
Андижон вилояти Бўз
тумани халқ таълими
бўлими мудири

ЎЗАЛИКНИ АНГЛАШ ДАВРИ

ёхуд ўқитувчилар билими ва маҳоратини юксалтириш,
услубий, маънавий муҳит яратишнинг йўллари хусусида

билимдонлиги самараси белгиловчи омиллардан биридир.

ЭНГ БИЛИМДОН СИНФ

Тумандаги энг билимли синфни аниқлаш мумкинми? Албатта, фақат фанлар бўйича ҳулосалар чиқариш керак. Бошланғич (I-IV) синфларда асосан бир ўқитувчи белгиловчи фаолият кўрсатганлиги сабабли улардаги кескин тафовутларни (бир мактаб ичидан ҳам) кўриш мумкин. Она тили (диктант), ўқиш (тезлиги), математика (ёзма иш) ва табиат (тест) фанлари бўйича синовлар ўтказилганда синфлар барча фанлардан бир хилда юқори ёки паст натижаларга эришганлар. Ёки тажрибали, билимдон ўқитувчи синфи барча фанлар бўйича намуналидир.

Умуман, бошланғич синфларда ўқувчилар фаолияти асосан бир ўқитувчи шахсига боғлиқ экан. Юқори синфлар (V-IX) билим даражалари рейтингини ишлаб чиқиш нисбатан мураккаб бўлиб, бунда ўқитувчилар сони (фанлар сони) ортиб бориши билан улар фаолиятини ҳолисона баҳолаш ҳам қийинчиликлар келтириб чиқаради. Бу муаммони ҳал этишда катта экспертлар гуруҳини шакллантириш керак.

Таъкидлаш жоизки, ўқувчилар билим самарадорлигини аниқлашда Давлат таълим стандартларининг талабларидан келиб чиқиб, тўрт чоракка махсус тайёрланган тест синовларидан фойдаланиш лозим. Энг билимдон синф ҳақида камида уч-тўрт синовдан (демак, 1 ўқув йили давомида) кейингина ҳулоса чиқарган маъқул. Хуллас, туман миқёсида билим даражалари бўйича синфлар рейтингини

ги натижалари ҳамда Давлат Тест маркази ҳулосалари бир нуқтада мувофиқлашади.

УСТОЗЛАРНИНГ УСТОЗИ

Яна ўқитувчи масаласига қайтайлик. Яқинда Президентимизнинг “Ўзбекистон Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мамлакатимизнинг Асосий Қонунини ўрганиш замирида жуда катта масалалар турибдики, унинг ҳар бир моддасининг ортида ўнлаб давлат ҳужжатлари мавжуд. Буни эса ҳар бир фуқаро билиши шарт. Демак, ўқитувчи олдида яна янги вазифалар турибди. Ўқиш, ўрганиш керак. Қолаверса, жамиятимизнинг барча соҳаларида рўй бераётган маънавий ислохотлар тинимсиз изланишни талаб қилади. Бу масалада ўқитувчига фақат ўқитувчига ёрдамга келиши мумкин.

Мактаблардаги фан ўқитувчиларининг шўъба йиғинларини туманда бир жойга марказлаштириш ҳозирги кундаги янгиликларни ўз вақтида ўзлаштиришнинг энг қулай усулидир. Умумтаълим мактабларидаги директорлар, илмий бўлим мудирилари, директор ўринбосарлари, фан ва бошланғич синф ўқитувчиларининг бир ойда бир бора йиғилишлари ва кейинги ой учун биргаликда вазифаларни муҳокамадан ўтказишлари фикрий янгилашни тезлаштиради.

Ўқитувчи онгида ўзгариш содир бўлмагунча, услублар эскилигича қолаверади. Шу нуқтаи-назардан мактаблардаги услуб-бирлашмалар худудий чекланганлиги, ундаги ўқитувчилар давраси торлигини эътиборда

Бугун барча жойларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Низом ва дастурига қўшилажак таклифлар билдирилмоқда.

Тузилажак янги ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади—ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш, ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-қудратини тўла намоеън этиши учун зарур шарт-шароитни ташкил қилиш, ёш авлоднинг таянчи бўлишдан иборат.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Низом лойиҳасида “Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, етти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирадиган болалар ташкилоти тузилади. У ўз фаолиятида тарбиянинг ўзига хос ёндашув ва усулларида фойдаланган ҳолда, болаларнинг қалби ва онгига ҳаракатнинг мақсад-муддаоларини сингдиришга қаратади”, дейилган.

Энди ҳаракат Низоми тасдиқлангач, унинг олдидан болалар ташкилотини тузиш масаласи пайдо бўлади. У қандай ташкилот бўлиши керак? Ташкилот аъзоларидан нима талаб қилинади? Бу ташкилотга аъзо бўлган ўқувчилар бошқа тенгдошларидан қайси сифатлари билан ажралиб туришлари даркор?

Бундан бир неча йиллар аввал айрим мактабларда, турли номларда болалар ташкилоти тузилди. Бу ташкилотлар ўз йўналиши ва мақсадини белгилаб олди. Шундай ташкилотлардан бири Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 326-халқ амалий санъати мактаб мажмуасида “Ёш ватанпарварлар” номи остида ташкил топган эди.

Мактабга бориб, дунёқарашида уларнинг ташкилотнинг шу кунгача амалга оширган ишлари, ўқувчилар дунёқарашида уларнинг ташкилотга аъзо бўлиб кирганидан кейин бўлган ўзгаришлар, болаларнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Низом ва дастурига билдирган фикрлари билан танишдик. Ва ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган ишлар борлигидан қувондик.

Ўсмир ва ёшларни маънавий-маърифий жиҳатдан етук инсон қилиб тарбиялаш, ёшларда ватанпарварлик, ўз халқи ва юртига меҳр-муҳаббат, садоқат, сидқидилдан хизмат қилиш ҳисларини шакллантириш бу ташкилотнинг асосий мақсади қилиб белгиланган.

Мактаб-мажмуа раҳбари Тинчивой Пўлатов аввало ташкилотни тузиш учун сабаб бўлган омилларни айтиб берди:

Болаларнинг бошини бир ерга қовуштириш, иложи борида уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ниятида мактаб-мажмуамизда қандайдир ташкилот тузиш ҳаракатини бошладик. Йўналиш дастурини туздик ва ўқувчилар билан муҳомадан ўтказдик. Ташкилотимизни ўқувчиларимиз билан келишиб, “Ёш ватанпарварлар” номи билан атадик. Сабаби, ҳар бир инсоннинг юрагида, энг аввало, “Ватан” деган сўз жаранглаб турса, қалбини “мен юртимни севишим керак, уни кўз қорачиғидек авайлашим зарур” деган сўз тарк этмасагина, у сидқидилдан бирор ишга ҳаракат қилади. Яъни, ўқувчи яхши ўқийди, одобли бўлишга интилади, ўқитувчи болаларга пухта билим беради, ишчи сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ташкилотга ёши, жамиятимизда кечаётган воқеа-ҳодисаларни идрок қила олиши, дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда, аъзоларни 3 босқичга бўлиб қабул қилдик. Ва биринчи босқич аъзоларини “Истиқлол гунчалари”, иккинчи босқични “Ёш темурийлар”, сўнгги босқич аъзоларини “Ёш ватанпарварлар” деб номлашга қарор қилдик. Бугунги кунда ушбу ташкилот ибратли ишларни амалга оширмоқда.”

Ташкилотга аъзо бўлган бир неча ўқувчилар билан суҳбатимиз жуда осон ва самимий кечди. Улар ташкилотнинг вазифа-

ларини гапира туриб, бизни қуйидагилардан огоҳ этишди:

Зухра ВАЛИЖОНОВА: Биз ташкилотга аъзо бўлаётган вақтимизда “халқимизга, Президентимизга содиқ бўламиз, аъло ўқишимиз, намунали хулқимиз билан Ватан мустақиллигига, унинг ривожланишига ҳисса қўшамиз, Ватанимизнинг тинчлиги, озодлиги, ободлиги йўлида кўлимиздан келган барча ишларни амалга оширамиз” дея сўз берамиз. Мактабимизда тузилган ташкилотга аъзо бўлишни истаган ўқувчи энг аввало ўз сўзида турадиган, Ватанни севадиган бўлиши лозим. Мен ташкилот ичидан тузилган “Қизлар клуби”га қатнашаман. Бу клубда муаллималаримиз бизга, қизларга ҳаёт давомида керак бўладиган нарсаларни ўргатишади. Дастуримизда “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”, “Ўлкашунослик Ватан тарихини ўрганишдан бошланади”, “Ўтмишсиз келажак йўқ” каби йўналишларда иш олиб боришимиз ёзилган. Экология, тарих, маданият соҳасида бир қанча ишлар қилдик. Мактаб ҳудудини ободлаштириш шу ишларнинг бири.

Ташкилот тузилгандан сўнг мактабимиздаги барча болалар ўз ўзини бошқаришга ўтди. Биз ташкилот аъзолари ҳар бир дўстимизнинг ютуғидан қувонамиз, унинг ўз ўрнини топиб олишига кўмаклашамиз, хулқи ёмон, тарбиясида оқсаш бўлаётган болалар билан ўзимиз суҳбатлар олиб борамиз.

Моҳинур ПўЛАТОВА: Яқинда

Президентимизнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатини тузиш ташаббускор гуруҳи билан ўтказган учрашувида сўзлаган нутқини телевидение орқали кўриб, эшитиб жуда хурсанд бўлиб кетдим. Ҳадемай мактабни битираман. Мактабимизда-ку бизни бир ерга жипслаштирадиган, муаммоларимизни ҳал қиладиган, бизга ёрдам берадиган ташкилот бор. Лекин мактабни битириб кетсам нима қиламан, деган ўй мени қийнади. Ҳаракатнинг Низом ва дастур лойиҳаси билан танишиб чиқдик. Ва биз ҳам ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик. Низом лойиҳасида “Ҳаракат доирасида болалар ташкилоти тузилади” дейилган. Шу ташкилот “Ёш ватанпарварлар” номи билан аталса. Чунки болалиқдан ватанпарварлик туйғуси киши онгига сингдириб борилса, у келажакда турли ғаразли ниятларда бирлашган диний оқимларга қўшилиб кетмайди, ватан равнақига, унинг истиқболига раҳна солувчи ғаламислар сўзига кирмай, алдан-

деб жавоб беришди.

Бугунги кун ўқувчидан нима талаб қилмоқда? У “мактабга келдим, олти соат дарсда ўтирдим(қатнашдим эмас) деб ҳеч қачон ўйламаслиги керак. Балки, ота-онам мени яхши инсон бўлсин, элу юртга манфаати тегадиган касбни эгалласин деб, муаллимларим “биз таълим берган ўқувчилар эртага юзимизни ерга қаратмасин, жамиятимизнинг қайсидир бўғинида ўз ўрнига эга бўлсин” дея жон куйдиришмоқда, деб ўйлаши ва уларнинг эътиборига жавоб сифатида ўз ҳатти-ҳаракатларини тўғри йўлга йўналтиришлари даркор. 326-халқ амалий санъати мактаб-мажмуаси ўқувчилари бу борада ўз тўғри йўллари билан белгилаб олишган экан.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Низом ва дастурига таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдириладиган бир пайтда, бу ташаббусга фаол қатнашаётган, Ватанимга, юртимга хизмат қиламан деб турган болалар панасида, афсуски, лоқайд, бефарқ, ўқувчилар ҳам бор экан.

Буни биз 15 февраль куни Тошкент шаҳар кўшимча таълим мажмуасига 326-, 222-, 239-, 127-, 209-мактаблардан келган энг фаол ўқувчиларнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Низом ва дастурига таклифлар киритиш учун йиғилишиганада сездик.

222-мактабдан давра суҳбатига қатнашган беш нафар ўқувчининг ўзларини тутишлари юқоридаги мулоҳазани исботлаб берди. Улар давра суҳбатига деярли иштирок этишмади. Ўша болаларни кўриб бир нарсани ўйлаб қолдим. 326-мактаб ўқувчилари ўз йўллари билан олишибди. Улар нима мақсадда ўқишаётганликларини, қандай йўлдан кетаётганликларини билишади. Болаларда орзу-ҳавас, хаёлот кучли бўлади. “Ёш ватанпарварлар” бу орзуларни бир мақсадга йўналтириб, аниқ вазифаларини белгилаб, шунга яраша ҳаракат қилишмоқда.

222-мактаб ўқувчилари орафасидаги баъзи ўқувчиларда эса ягона фикр, ўз сўзига, одамлар орасида ўз мавқеига эга бўлишга интилиш кўзга ташланмади. Болани ижтимоий ҳаётга, фаолликка ким чорлаши керак? Энг аввало, ёшларнинг ўзларида янгиликка интилиш, ташаббус бўлиши лозим.

Камолот сари интиладиган “Камолот” сафларида ўз сўзи, ўз фикрига, бой дунёқарашга эга бўлган ўқувчи-ёшларни кўргимиз келади. Камолот—комиллик дегани. Эзгуликка чорловчи барча ғоялар комил инсон, камолотга эришган Шахс тарбияси учун хизмат қилади. Жамиятимиз ҳаётида ўзига хос ўрнига эга бўлиши кутилаётган ёшларнинг ижтимоий ҳаракатининг “Камолот” деб аталиши бежиз эмас.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
“Маърифат”нинг махсус муҳбири

ЁШЛАР ТАКЛИФИ

Бугунги меҳмонимиз — “Маҳаллада дув-дув гап”, “Тошкент — нон шаҳри”, “Абу Райҳон Беруний”, “Отамдан қолган далалар” каби ўндан ортиқ фильмлари билан барча кино мухлислари кўнглидан жой олган машҳур режиссёр Шухрат Аббосов. У 1931 йили 16 январда Қўқон шаҳрида таваллуд топган. Тошкент медицина техникуми, Тошкент Давлат санъат институти, Москвадаги олий режиссёрлик курсини тугатган. Ўзбекистон халқ артисти, бир қанча давлат мукофотлари, халқаро фестиваллар совриндори. Айни дамда Ўзбекистон киноарбоблари бирлашмаси раиси ўринбосари лавозимида хизмат қилмоқда.

— Кино санъатига меҳр Сизда қачон пайдо бўлган?

— Зиёли оилада туғилганман. Дадам Москва чорва-наслчилик институтини, онам Москва консерваториясини тугатганлар. Болаликдан барча санъат турлари, жумладан, кино мени ўзига жалб қилган. Тўрт-беш ёшларимда кўрган бир фильм менга катта таъсир кўрсатган. Бу машҳур француз режиссёри Дювевьенинг “Катта вальс” фильми. Фильм мусиқага бой, ажойиб сюжетли бўлиб, бош роль ижроқилган бўлган аёлни севиб қолганман.

Эсимда, дадамлар Москвага кетардилар. Менга кинога кирасан деб танга пуллар улашар эди. Болалигимдан жуда кўп кино кўрганман. Масалан, Чарли Чаплин бутун борлигимни ўшанда забт этган.

— Нега актёрликни эмас, режиссёрликни танлагансиз?

— Асли актёр бўлишни орзу қилардим. Тиббиёт техникумида ўқиб юрганамда Ласкоратос деган бир грек киши драма тўғрагини бошқарар эди. Тўғрагимизда сахналаштирилган “Айбсиз айбдорлар” спектаклида пиёниста актёр ролини ўйнаганим эсимда. Раҳматли Ҳамза Умаров кўргани борганда қойил қолган. Шундан сўнг “сен актёр бўлишинг керак” деб, кўлимдан ушлаб, театр ва рассомчилик институтига бошлаб борган. Имтиҳон олган И.Радун деган домла “Сиз жуда яхши актёр экансиз. Режиссёрликка ўқинг, актёрлик ҳам қилаверасиз, мабодо сиздан режиссёр чиқмаса” деди. Шу гап билан режиссура соҳасига ўтганман.

— Драма режиссёрлигига ўқиганмисиз ё кино?

— Театр институтини тамомлагач, икки йил Янгийул театрида бош режиссёр бўлиб ишладим. Бир куни Тошкентда кўчада кетаётганимда таниқли кинодраматург Собир Мухаммедов тўхтатиб, “Кинода саводингиз яхши. Москвада олий режиссёрлик курси очилар экан. Сизни юборсак, бахтингизни синаб кўрасиз. Бизга янги авлод керак”, деди. Москвага юнадим. 15 ўринга 780 одам даъвогарлик қилди. Имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, ўқишга қабул қилиндим. А.Довженко, Ю.Райзман, М.Ромм, Л.Трауберг, Г.Александров каби машҳур устозлар таҳсилини олдим.

Икки йил ўқигач, 1957 йили “Мосфильм”да “Филиппинлик ва маст” номли фильмни суратга олдим. Картинага яхши баҳо бериш-

ди. Фильм сценарийси америкалик машҳур ёзувчи Уильям Сарояннинг ҳикояси асосида эди. Сароян — Голливуд режиссёрларидан безор бўлган, “Асарларимни бузмаслиги учун уларга пул бераман”, деган одам эди. Ўша ёзувчи Москвага келиб, менинг фильмимни кўради, муаллиф сифатида кўнгли тўлиб, рози бўлади ҳамда газетада миннатдорчилик мактуби сифатида менга “Очиқ хат” эълон қилган эди.

Дастлабки ишим — ўн минутлик “Филиппинлик ва маст” фильми халқаро конкурсларда биринчи ўринларни олди ва бу менга ишонч бахш этди, далда бўлди — бир умрга.

— Ўзбек киносининг мумтоз намуналаридан — “Маҳаллада дув-дув гап” фильмингизга тўхталмай иложимиз йўқ.

— Асарнинг ўлмаслиги, мухлислар томонидан талаб қилиниши жуда улкан бахт. Бу санъаткор умрини узайтиради.

Биласизми, она юрт соғинчи — жуда ёқимли ва ибратли ҳодиса. Москвада юрганамда мен жуда жуда соғинган эдим — юртимни, она тилимни, ўзбек ҳаётини. “Маҳаллада дув-дув гап” шу соғинчим изҳори.

Меҳри хола — онажоним Хатира аянинг тимсоли. Сюжет ҳам ҳаётини

бузаётганда кўзига ёш олади...

Фильм топширилаётганда кўриқда ўша пайтдаги Марказқўм вакиллари Меҳри холанинг йиғлашини сиёсий хато деб топишди ва шу кўришни ўзгартиришга мажбур қилишди.

— Кино соҳасидаги бугунги жараёнлар, ўзгаришлар ҳақида нима дейсиз?

— 1996 йили Президентимизнинг Фармони билан “Ўзбекино” давлат акционерлик компанияси ташкил қилинди. Йилига 6 та фильм учун давлат томонидан маблағ ажратилди. Ишляпмиз, ёшларимиз ғайрат



АМЕРИКАЛИК ЁЗУВЧИНИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРГАН РЕЖИССЁР

воқеалардан, ўзбек ҳаётини олинган.

1959 йили “Ўзбекфильм”га келгач, кинофильм олиш учун сценарий изладим. 50 та тайёр сценарий бор экан. Бировиям ёқмади. Ҳаммаси яхши, долзарб мавзудаги сценарийлар, бироқ уларда мен излаган мусаффолик, самимият йўқ эди.

Бир куни 2 варақ бир ҳикоянома нарса кўлимга тушиб қолди. Уни сценарий бўлими бошлиғи Абдулаҳад Абдуллаев берди. Муаллифи — Асқар Рамазонов. Ўқидим, унда мен излаган нарса бор эди. Юлий Рест деган ленинградлик драматург билан бирга “Тошкент” меҳмонхонасидан бир хона олиб, 12 кунда сценарийни тугатиб, ишга киришдик.

Картинанинг муваффақиятли чиқишида улуғ актёрларимиз — Р.Пирмухаммедов, М.Ўқубова, Р.Ҳамроев, А.Саримсоқова, И.Болтаева, Ҳ.Умаров, Ғ.Аъзамов, Т.Тожиевларнинг ҳиссаси катта. Шунингдек, кинода илк бор ўйнаган ёшларимизнинг ҳам. Сайёрани ўйнаган Холида Исҳоқова бугун катта олима, медицина фанлари доктори. Архитектор қиз — Раъно Мадрохимова, телевиденида диктор, Умида — Розахон ҳам ўша вақтда мактаб ўқувчилари, фабрика ишчиси эдилар.

Фильмнинг охири ўзгартирилгани ҳеч эсимдан чиқмайди. Ҳар бир комедия томошабинларда жиддий ўйлар уйғотмаса асар эмас. “Маҳаллада дув-дув гап”нинг финалида Меҳри хола ҳовлисини бульдозер

қилишяпти.

— Хорижда кино — бизнеснинг энг сердаромад турларидан бири. Бизда ҳам шу даражага чиқиш мумкинми?

— Албатта. Аста-аста ҳаммасига эришамиз.

— Тобора кўпаяётган телесериаллар ҳақида. Уларнинг бир-икки серияли фильмлардан устун жиҳатлари борми? Ёки аксинча?

— Кўпаяверсин. Фақат сифатини ошириш керак. Телесериалларимиз ҳали кино даражасига етолгани йўқ. Сабаб — жанрни эгаллаган профессионаллар камлиги. Телесериалларни томошабинлар яхши кўришади. Аммо бу дегани уларга ҳадеб мафия, бандит, ўғрилар ҳақидаги урсурдан иборат серияларни тақдим этавергин дегани эмас. Биз нозик дидли халқимиз. Биргина шеърятни, Навоийни олинг. Мухаббатни қандай улуғлашган ажодларимиз Ҳозир экранда дағал сюжетларни ҳам кўра-япмиз...

— Актёрларимизнинг профессионаллик даражаси ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ҳозирги барча актёрлар театр — санъат институтини тугатган, олий маълумотли, ажойиб мураббийлар кўлида тарбияланган, театр, кино сирларини яхши биладиган ёшлар. Уларни рисоладагидек ишлатиш учун зўр сценарийлар керак ва маҳоратли режиссёрга тушишлари лозим. Режиссёрга кўп нарса боғлиқ. У — педагог бўлиши талаб қилинади.

Меҳмонхона

Бугунги авлод актёрларидан Ёқуб Аҳмедов, Афзал Рафиқов, Пулат Саидқосимов, Рихси Иброҳимова, Турғун Азизов, Саида Раметова, Бахтиёр Зокиров, Хайрулла ва Ёлгор Саъдиевлар, Лутфулла Саъдуллаев, Ҳожиакбар Нурматов, Зикир Муҳаммаджонов, Тўти Юсупова, Мунаввара Абдуллаева, ёшлардан Лола Элтоева, Назира Абдувоҳидова, Элмира Раҳимжонова, Моҳира Нурметова, Дурдона Турсунбоева кабиларнинг истеъдодини қадрлайман. Улардан ҳали кўп нарса кутиш мумкин.

— Аксарият сценарий муаллифлари режиссёрлардан нолишади?..

— Бу табиий. Чунки, адабиётнинг ўз қонун-қоидалари, кинонинг ўз сирлари бор. Ҳозир кўпчилик режиссёрлар сценарийни ўзлари ёзишяпти. Масалан, Зулфиқор Мусоқов, Юсуф Розиков, Нозим Аббосов (Шухрат Аббосовнинг ўғли — Ҳ.Н.)

— Бу яхшими, ёмонми?

— Яхши томониям, ёмон томониям бор. Яхшилиги — улар кино тилини яхши билишади, сценарийни бирданига кинобоп қилиб ёзишади.

Ёмон томони — ҳамма режиссёрда ҳам ёзувчилик қобилияти етарли даражада деб бўлмайди. Мисол учун кўпчилиги диалогларни яхши ёзишолмайди.

Юқорида санаганим уч режиссёр сезиларли муваффақиятга эришишяпти.

— Машҳур режиссёр Шухрат Аббосовнинг ўзи қайси фильмларни завқ билан, севиб томоша қилиши мухлислар учун қизиқарли.

— Ўзимизникилардан — “Тоҳир ва Зухра”, “Алишер Навоий”, “Насриддин Бухорода”, чет эл фильмларидан Акиро Курасаванинг “Расюмон дарвозаси”, яна бир япон режиссёри Кането Синдонинг “Яланғоч орол”, итальян режиссёри Ф.Феллинининг “Йўл”, рус режиссёри Пудовкиннинг “Чингизхон авлоди” картиналарини завқ билан томоша қиламан.

— Тилақларингиз?

— Юртимиз тинч бўлсин. Юртошларимиз Ватан, халқ манфаатини кўпроқ ўйласинлар. Шунда ўзлариям яхши яшашади. Эзгу ишларни кўпайтирайлик, бир ёқадан бош чиқариб ишлайлик, яшайлик. Улуғлигимизни унутмайлик.

Яна бир гап. Имкон туғилганида мен билан бирга ишлаган, ижод қилган ҳамкорларимни ҳам эслаб ўтмоқчи эдим. Булар — операторлар Ҳ.Файзиев, А.Исмоилов, Р.Ғалиев, Владимир, Т.Нодиров, rassomлар Э.Калантаров, Е.Пушин, Қ.Нуриддинов, А.Шиббаев (марҳум), М.Левиев, Э.Солиҳов, монтажчи А.Носирова, овоз оператори Ж.Аҳмедов ва бошқалар. Фильмларимнинг муваффақиятида уларнинг ҳам ҳиссаси катта. Мен улардан бир умр миннатдорман.


— Самимий суҳбат учун раҳмат!

Ҳусан НИШОНОВ
суҳбатлашди.

Вилоят, туман халқ таълими бошқармалари ва мактаб директорлари диққатига!

“O‘ZDAVKITOVSAVDOTA‘MINOTI” очик акционерлик жамияти 2001-2002 ўқув йили учун таълим-тарбия ўзбек ва қардош тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2—11-синфларига мўлжалланган дарсликларни таклиф этади ва республикамизнинг барча вилоятларига етказиб беради.
Улгуржи савдога 10-15% чегирма берилади.

Ўзбек тили 2-синф Н.Бикбаева. Математика Н.Бикбаева. Математика дафтари № 1 Н.Бикбаева. Математика дафтари № 2 Х.Эгамов. Ўзингиз қуринг ва ясанг К.Қосимова. Она тили А.Григорянц. Атрофимиздаги олам	О.Мўминов. Ўзбекистон табиий географияси	М. Умаров ва б. Ўқиш китоби 3-синф Н.Бикбаева. Математика 5-синф Ж.Икромов. Математика Т.Одилов ва б. Ботаника 6-синф У. Пратов ва б. Ботаника 7-синф Н.Файбуллаев. Геометрия 8-синф А.Мамажонов. Анорганик кимё Ш.Алимов. Алгебра А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	А.Файбуллаев. Геометрия Ш. Алимов. Алгебра. 8-синф А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари А.Мамажонов. Анорганик кимё Ш. Алимов. Алгебра. 9-синф А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари	А.Григорянц. Дневник наблюдений М.Тўхтаходжаева. В месте солнышком М.Кожуховская и др. Путешествие в мир слов. 1-2 часть 3-синф Н.Бикбаева. Математика А.Григорянц. Дневник наблюдений М.Кожуховская и др. Путешествие в мир слов. 1-2 часть П. Мусаев. Начальный курс физической географии
3-синф М.Фулломов. Хуснихат Н.Умарова. Ўқиш китоби Р.Толипова. Русский язык 4-синф А.Григорянц. Кундалик кузатиш дафтари Р.Икромов. Она тили 5-синф Т.Пошшахўжаева. Меҳнат таълими С.Булатов. Ганчкорлик Ж.Икромов. Математика Р.Толипова. Русский язык Н.Каримов. Адабиёт Х.Неъматов. Она тили Ў.Пратов. Ботаника 5-6-с. У. Маҳкамов. Ватан туйғуси	Тўплам. Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 11-синф Н.Шахмаев. Физика Т.Жалолов. Инглиз тили	А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари Ш.Алимов. Алгебра 10-синф А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари Тожик тили 2-синф А.Григорянц. Атрофимиздаги олам Н.Бикбаева. Математика Х. Сабоҳий ва б. Ўқиш китоби 3-синф А.Воҳидов. Забони мадори Н.Бикбаева. Математика 4-синф А.Григорянц. Кундалик кузатиш дафтари 5-синф Б.Аҳмедов. Ватан тарихи 6-синф Т.Одилов. Ботаника Ж.Икромов. Математика 7-синф А.Умронхўжаев. Техникавий графика асослари	А.Григорянц. Атрофимиздаги олам К.Абдуллаев. Ўқиш китоби 3-синф Н.Бикбаева. Математика 5-синф Ж.Икромов. Математика Б.Аҳмедов. Ватан тарихи Ў.Пратов. Ботаника 6-синф Ф. Мусаев. География 7-синф Ш.Алимов. Алгебра 8-синф А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари А.Мамажонов. Анорганик кимё 9-синф А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари Ш.Алимов. Алгебра 10-синф А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари Рус тилида 2-синф Н.Бикбаева. Математика	4-синф А.Григорянц. Дневник наблюдений Н.Нефедотова. Занимательная математика 5-синф Ж.Икромов. Математика С. Зинин и др. Русский язык П. Мусаев. ва б. Физическая география 6-синф Ж.Икромов. Математика А. Саъдуллаев. История Узбекистана 7-синф С. Зинин и др. Русский язык 8-синф В.Варфоломеев. Литература 10-11-синф В.Костецкий. Правоведение Г. Хидоятлов. Всемирная история. Конституция Республики Узбекистан

**9-бетга қаранг****ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
РАҲБАРЛАРИ!**

Мактабгача таълим муассасаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси 2001 йилнинг март ойида қуйидаги тоифалар бўйича курслар режалаштирилган:

1. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари - 5.03.2001 йил - 31.03.2001 йил
2. Мактабгача таълим муассасаси услубчилари - 5.03.2001 йил - 31.03.2001 йил
3. Мактабгача таълим муассасаси мудиралари (қисқа муддатли) - 5.03.2001 йил - 24.03.2001 йил
4. Мактабгача таълим муассасаси руҳшунослари - 5.03.2001 йил - 24.03.2001 йил

Курс давомида тингловчиларни таниқли педагоглар, олимлар, санъаткорлар, матбуот ходимлари билан учрашувлар ва "Темурийлар тарихи" ҳамда бошқа маданий масканларга экскурсиялар уюштирилади.

Тингловчилар учун курс тасарруфидаги кутубхона, кироатхона, бепул ётоқхона хизматда бўлади. Курсда болалик тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд. Суткали ва йўл харажатлари курс ҳисобидан тўланади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 95, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси 6-уй.

Транспорт: Жанубий темир йўл вокзалидан 8-троллейбуснинг "Талабалар шаҳарчаси" охири бекати.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

Танлов сони № 08

Эълон қилинган кун: 2001 й. 23 февраль

Осиё Ривожланиш Банкнинг 1595 (МЖ) - ЎЗБ рақамли Кредити бўйича амалга ошириляётган "Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларнинг нашр этиш тизимини такомиллаштириш" Лойиҳаси доирасида Халқ таълими вазирлиги мактаб кутубхона фондлари учун кўргазмали қурооллар харид қилиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Осиё Ривожланиш Банки билан "Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларининг нашр қилиш тизимини такомиллаштириш" Лойиҳаси доирасида мактаб кутубхона жамғармалари учун кўргазмали қурооллар харид қилишга маблағ ажратиш тўғрисида келишган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (Харидор) умумтаълим мактаб кутубхона жамғармаларига харид қилинадиган ўзбек тилидаги кўргазмали қуроолларни Танлов Хужжатларининг IV бобида белгиланган тарзда яратиш. Нашрга тайёрлаш ва чоп этиш, бутлаш, маркировка қилиш бўйича танловда қатнашиш ҳуқуқига (барча қатнашчилар ва уларнинг маҳсулотлари ОРБга аъзо бўлган давлатлардан бўлиши шарт) эга бўлган барча корхона ва ташкилотларни таклиф этади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган барча Иштирокчилар қуйидаги манзилдан қўшимча маълумот олишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,
Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи.
Лойиҳа менежери Г.Ш.Тугеевага.
Тошкент шаҳри — 700027,
Ўзбекистон кўчаси 80-уй,
Республика таълим маркази, 311-хона.
Алоқа учун телефон: (998-71) 1391573
Факс: (998-71) 1391571

Эл.почтаси: uzbpiu@giobainet.uz
Банк реквизитлари: Ташқи иқтисодий алоқалар миллий банки,
Марказий амалиёт бўлими
Ҳисоб рақами 20203000100101044001
МФО 00882, Солиқ тўлов рақами (ИНН) 201122808

Танлов хужжатларининг тўлиқ тўпламини олиш учун танлов иштирокчилари юқорида кўрсатилган манзилга мурожаат қилишлари ва Халқ таълими вазирлигининг юқорида қайд этилган ҳисоб рақамига 150 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентини тўлов амалга оширилган кундаги Марказий банк томонидан белгиланган курсда ўтказганликларини тасдиқловчи хужжат ҳамда корхонанинг Ишонч хатини тавсия этишлари зарур бўлади.

Барча таклифлар танловнинг умумий қийматидан 2 фоизини ташкил этадиган Банк кафолати билан бирга 2001 йилнинг 10 апрель соат 10:00 гача топширилиши шарт.

Танлов таклифлари 2001 йил 10 апрель соат 10:30да Тошкент шаҳар, Мустақиллик майдони, 5-уй, 5-қават, Халқ таълими вазирлигининг кичик мажлислар залида барча қатнашчилар иштирокида очилади.

Таклифнинг умумий қийматидан 2 фоизини ташкил этган Банк кафолатини 2001 йил 10 апрель соат 10:30 гача тавсия этолмаган танлов иштирокчилари танловда қатнаша олмайди.

Халқ таълими вазирлиги танлов таклифларини тайёрлаш жараёнида қатнашчиларнинг сарф этган харажатларини тўлаш мажбуриятини олмайди.

БУ КИТОБЛАРНИ АЛБАТТА ЎҚИНГ!

Ота-оналар, талаба-ёшлар, мактаб ўқувчилари ва кутубхона ходимлари диққатига!
Маънавий, маърифий ва маданий салоҳиятни юксалтириш борасида КИТОБ битмас-туганмас
хазинадир. Китоб билан тарихни биламиз, озод ва мустақил ҳаётни қадрлашга ўрганамиз,
келажакка комил ишонч билан қараймиз.

«O'ZDAVKITOVBSAVDOTA'MINOT» OAJ

бир қатор мавжуд китобларни тақдим этади

Болалар адабиёти

О.Асқар	Бахил паҳлавон
К.Абдуллаева	Расмли алифбо
Ж.Абдуллахонов	Ватанимни куйлайман
А.Обиджон ва	
Т.Адашбоев	Хуштак чалиб турасиз
Ш.Булатов	Нақш алифбоси
С.Барноев	Кичкина хўжа Насриддин
Э.Воҳидов	Менинг юлдузим
Ғ.Ғулом	Шум бола саргузаштлари
З.Диёр	Оқ айиққа соз қайиқ
В.Данько	Фаройиб ойна
Ж.Жабборов	Томчининг саргузашти
С.Зуннунова	Ойдан тушган қиз
Х.Имомбердиев	Бир кунлик мўъжиза
А.Носиров	Абдуазим яхши бола
А.Обиджон	Аламазон ва Гулмат
А.Обиджон	Олтин булбул
А.Собир	Кўкчалик бола жумбоқлари
Х.Тўхтабоев	Жаннати одамлар
Эртақлар	Кенжа ботир
Эртақ	Бўғирсоқ
Эртақлар	Бекинмачоқ
Тўплам	Болалар энциклопедияси

Бадий адабиётлар

У.Абдуазимова	Ойдин орзулар
Алп Жамол	Аччиқни аччиқ кесар
Ғайбуллоҳ ас Салом	Эй умри азиз
М.Бехбудий	Танланган асарлар
И.Бунич	Партиянинг олтинлари
Ю.Бердиев	Ёниб яшаётган одамлар
Э.Воҳидов	Ишқ савдоси
И.Ғофуров	Дил эркинлиги
Ф.Дюшен	Камар
О.Ёқубов	Адолат манзили
Жамоа	Шарқнинг етти ёғдуси
Исфандиёр	Ўғри
А.Йўлдош	Сунбуланинг илк шанбаси
Н.Комилов	Тасаввуф. 2-китоб
К.Камий	Дилни обод айлангиз
М.Қўшонов	Абдулла Орипов
М.Караматов	Мақоллар
С.Мирвалиев	Ўзбек адаблари
О.Матжон	Эркин ҳаволарда
М.Муродов	Алпомишнома
О.Мухтор	Афлотун
Н.Маҳмудов	Комиллик калити
А.Мухтор	Уйқу қочганда
А.Мажидий	Кўнгил орзулари
К.Мурод	На гуноҳим бор мани
Н.Маҳмудов	Тил
М.Мирзо	Онажон
Х.Мардонқул	Алпомиш
А.Орипов	Савоб
А.Обиджон	Олтиариқ хангомалари
Ўзбек халқ достони	Алпомиш, Ёдгор
А.Ризаев	Олис манзил
Ш.Ризаев	Саҳна маънавияти
Ж.Стейнбек	Жавоҳир
Ж.Субхон	Оққан дарё оқаверади
Ж.Сафаев	Қаҳ-қаҳа сири
Л.Толстой	Иқдорнома
Тагор ва б.	Ўликлар нега тирилмайдилар
Тўплам	Санъат юлдузлари
Фитрат	Асарлар 1-том
Фитрат	Асарлар 2-том
Фитрат	Оила
С.Хондайликий	Танланган асарлар
Э.Худойбергандов	Шижоат ва ижод
Хазиний	Девон
Халқ кўшиғи	Ой олдида бир юлдуз

Х.Хукхэм	Етти иқлим султони
Ш.Холмирозев	Ўн саккизга кирмаган ким бор?
Х.Ҳамидов	Мени ёд эт
Н.Шаҳобиддин	Жалолиддин Мангуберди
Ибрат, Ажзий,	
Сўфизода	Танланган асарлар
Х.Шайхов	Жодугарнинг эри
О.Шарофутдинов	Сардафтар саҳифаси
Ш.Юсупов	Хуфия қатламлари
О.Яқубов	Қашқирлар галаси

Ижтимоий-сиёсий адабиётлар

Альбом	Сурхондарё
О.Бўриев	Темурийлар даври
	ёзма манбалари
Х.Бобоев ва б.	Миллий давлатчилик ҳақида
Э.Бегматов	Жой номлари миллат кўзгуси
Ш.Бобохонов	Муфтий Зияуддинхон
	ибн Эшон Бобохон
Э.Бегматов	Ўзбек исмлари
Буклет	Ватан тимсоллари муқаддасдир
Тўплам	Ўзбекистон янги тарихи
Н.Жўраев	Агар огоҳ сен...
Тўплам	Диний экстремизм
	ва фундаментализм
	тарихи, моҳияти
	ва бугунги ҳақиқи
Тўплам	Хотин-қизлар энциклопедияси
Тўплам	Ўзбекча-арабча луғат
Тўплам	Матбуот миллат чироғи
Х.Зиёев	Тарих-ўтмиш келажак кўзгуси
М.Йўлдошев	Долзарб луғат
Л.Кэрэн	А.Темур салтанати
Н.Комилов	Тафаккур карвонлари
Н.Каримов	Истиқлолни уйғотган шоир
А.Қодиров	Маънавиятнинг иқтисодий
	тамойиллари
Плакат	Лотин-алифбоси
Т.Файзиев	Темурийлар шажараси
А.Шарипов	Лолалар
Ш.Эргашев	Демократик ғоя ва бошқарув
	тамойиллари
А.Эгамназаров	Сургун
Тўплам	Ўзбекистон Миллий
	энциклопедияси 1-ж

Тиббиётга оид адабиётлар

В.Агроненко	Компонентная гематология
А.Асланов	Асаб касалликлари
Н.Абдуллаев	Пато физиология
Н.Аҳмедов	Атлас-одам анатомияси
А.Аляви	Лечения хранич. сердеч.
	недостаточности
М.Асадуллаев ва б.	Основы
	электроэнцефалография
М.Абдуллахўжаева	Одам патология асослари 1-қ
М.Абдуллахўжаева	Одам патология асослари 2-қ
А.Абальмасова ва б.	Сколиоз
С.Бобохонов	Справочник физиотерапевта
А.Фаниев	Сил касаллиги
Тўплам	Экстрагента касалликлар
	ва ҳомиладорлик
Х.Дадаев	Безлекар. метод лечения
А.Жабборов	Ветеринария акушерлиги
	гинекологияси
Тўплам	Тиббиёт қомусий луғати
А.Зоҳидий	Жигар
А.Зоҳидий	Буйрак
А.Зоҳидий	Ошқозон
А.Зоҳидий	Юрак
А.Зборовский	Внутренние болезни 1-2 ч

И.Зоир	Кулги шифохонаси
А.Зоҳидий	Аллома аёл
Абу Али ибн Сино	Саломатлик сирлари
Т.Илёсов	Лучевая диагностика
Т.Илёсов	Рентген-диаг. хоналарида
	хизматни ташкил қилиш
Ш.Каримов	Хирургические болезни
У.Қодиров	Болалар физиологияси
А.Қодиров ва б.	Акушерликда жарроҳлик
	амалиёти
М.Куреннова	Знахарские рецепты
В.Михайлов	Малокрови и его
	предупреждение
Р.Мадалиходжаев	Гиперликемия и гипертермия
	в экспериментальной
	и клинической онкологии
Н.Мажидов	Умумий неврология
Н.Мажидов	Профилактическая неврология
	1-часть
Н.Мажидов	Профилактическая неврология
	2-часть
А.Мадрахимов	Шарқона даволар
М.Муслимов	Ёш оналарга шифокор
	маслаҳати
И.Мусабоев	Искусство методы врачевания
	дифференциальная диагности-
	ка инфекционных заболеваний
Т.Нажмиддинов	Клиник гематология асослари
К.Нишанбаев	Тиббиёт генетикаси
У.Орипов ва б.	Умумий хирургия
Ш.Отабаев ва б.	Коммунал гигиена
И.Раҳмон	Ҳарбий шифокор хазинаси
Т.Сосин	Физиотерапия в хирургии
Д.Сеттарова	Наслед-ный. Гемохроматоз
Р.Султонов	Биохимиядан амалий
	маслаҳотлар
Ф.Турсунов	Сил
Х.Худойбердиев	Асаб жарроҳлигидан амалий
	қўлланма
Х.Ходжиматов ва б.	Дикарастущие целебные
	растения Средней Азии
У.Шаропов	Ички касалликлар
Н.Шомирзаева ва б.	Оператив жарроҳлик
С.Шамсиев	Фармакотерапия в педиатрии
О.Юлдошев	Физиотерапия
П.Юлдошев	Справочник ортопедии

Ҳуқуқий адабиётлар

К.Қодиров	Меҳнатга оид адабиётларни
	расмийлаштириш
Б.Саломов	Ўзбекистонда адвокатлик
	фаолияти
Тўплам	Ўзбекистон Республикасининг
	божжона кодекси
Тўплам	Ўзбекистон Республикасининг
	уй-жой кодекси
Тўплам	Ўзбекистон Республикасининг
	маъмурий кодексига шарҳлар

Ҳисоб-китоб нақд ва пул ўтказиш йўли би-
лан амалга оширилади.

Мурожаат учун бизнинг манзил: Тошкент шаҳ-
ри, Навоий кўчаси, 30-уй. Телефон: 8-(372)144-
23-94, 144-81-40. Факс: 144-30-80.

Урганч ш. — (8-362-22) 5-27-43

Навоий ш. — (8-436-22) 54457

Самарқанд ш. — (8-366-2) 29-53-86

Бухоро ш. — 8-(365-22) 31-44-7

Қарши ш. — 8-(375-22) 56-12-7, 57-34-7

Термиз ш. — 8-(376-22) 31-104

Наманган ш. — 8-(369-22) 62-110

Марғилон ш. — 8-(37-32) 33-55-83, 33-36-
83.

Терроризм, наркомания, ОИТС... — булар осойишталикка таҳдид солаётган иллатлардир. Орол — ҳануз ечимини топмаган долзарб муаммодир. Бу иллату муаммоларнинг ечими борми? Бор! Бунинг ечими ўзимизда, ўз қалбимиздадир. Агар инсонлар атрофмуҳит ва кечаётган ҳодисаларга бефарқ бўлмасалар, доимо огоҳликда юрсалар ва, энг асосийси, виждон, Ватан олдидаги бурч каби хислатларни ҳаётларига асос қилиб олсалар, бу муаммолар, албатта, ечилажак.

15 февралдан 25 февралга қадар Киночилар уйида бўлиб ўтаётган "Она-Ватанни кўз қорачиғидай асраймиз" шиори остидаги плакатлар кўргазмасига қўйилган ишлар бизни шунга ундайди. Ўзбекистон Республикаси Бадий Академияси, "Тасвирий ойна" уюшмаси ҳамда Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан ўтказилаётган бу кўргазмада таниқли плакатчи рассомлар: Неъмат Ҳақимов, Абдурахмон Нурқобилов, Эбодулло Абдуллаев, Руслан Халилов, Акром Баҳромов, Анвар Балканов ва тасвирий санъат лицейлари битирувчиларининг бир қатор ишлари қўйилган. Плакат мавзулари турлича: ОИТС, наркомания, терроризмга қарши, табиатни асраш, Орол муаммоси, тинчликни қадрлаш ва ҳоказо. Аммо уларнинг

мақсади бир — ёшларни Ватанга муносиб фарзанд бўлишга ундаш.

Кўргазмада бадий графика плакат йўналиши танланишининг аҳамияти катта.

— Плакат жанри маълум бир гоёни етказишда азалдан муҳим восита бўлиб келганлиги тарихдан маълум, — дейди кўргазма иштирокчиси, рассом Неъмат Ҳақимов. — Бу жанр санъатнинг икки тури — сўз санъати ҳамда тасвирий санъатни ўзида мужассамлаштиради. Плакатдаги тасвир содда, аниқ ва кўзга тез ташланувчи, ундаги шиор ёки даъват эса қисқа, лўнда ва шу билан бирга сермазмун бўлади. Шунинг учун у инсон онгига тез таъсир қилади. Плакат ана шу жиҳати билан аҳамиятлидир.

Кўргазма мухлислари асосан ёшларни ташкил этмоқда. Бу ерга Тошкентнинг деярли барча олий ўқув юрларидан талабалар келишмоқда: Кўргазмада Президентимиз И.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асари асосида суратга олинган фильм намойиш этилмоқда.

Жамшид САЪДИНОВ,
"Маърифат" мухбири

ИЛЛАТЛАРГА ҚАРШИ КЎРГАЗМА

МАРКАЗДАГИ ЯНГИ МАШҒУЛОТЛАР

Яқинда Тошкент шаҳридаги корейс тилини ўрганиш марказида ўқувчиларни қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ўқувчилар ва ўқитувчилардан ташқари корейс элчихонаси ходимлари, ОАВ ходимлари ва отаналар йиғилдилар. Мажлисида марказ раҳбари ўқувчиларнинг гуруҳлари ва уларнинг устозларини эълон қилди.

Корейс тили ўқитувчиси Владимир Кан марказда иш олиб бораётган компьютер курслари ва «TEAKVON-DO» тўғарақларининг фаолияти хусусида гапирди.

Наима МИРҲОЖИЕВА

ТОМОША ТААССУРОТЛАРИ

Яқинда Аброр Ҳидоятлов номли театрда А.Андреевнинг "Иуда Искариот" қиссаси асосида тайёрланган "Исо ва Яхуда" спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

Унда санъатшунослар, таниқли актёрлардан ташқари Низомий номидаги ТДПУ қошидаги академик лицейнинг битирувчи гуруҳ ўқувчилари ҳам қатнашдилар.

Чуқур маъноли бу асарнинг премьераси ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. Премьерадан сўнг ўқувчилар актёрлар билан учрашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар, таассуротлари билан ўртоқлашиб, ўзаро фикр алмашдилар.

Дилдора ТУРОНОВА,
талаба



"BANNUR"ДА ЎҚУВЧИЛАР

Тошкент Молия институти қошидаги "BANNUR" Халқаро бизнес мактаби кўлаб ёшларни ўз бағрига олган. "BANNUR"нинг ташкил этилганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. "BANNUR" ХБМнинг битта йўналиши ҳақида, яъни олий ўқув юрларига кириш учун тест синовларига тайёргарлик курслари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Сир эмаски, институтга кириш учун, албатта, репетитор билан шуғулланиб, барча саволларни ечиб чиқиш керак. Аммо, ҳамма ота-она ҳам репетитор ёллаш имкониятига эга эмас. Репетиторга қурби етмаган ўқувчиларга ёрдам бериш мақсадида "BANNUR" бизнес мактабига тайёрлов курслари фа-

олият кўрсатмоқда. — "BANNUR" халқаро бизнес мактабига қабул қилинганлар орасида институтга кира олмаганлар ҳам кўпчиликни ташкил қилгани учун биринчи дарсларданоқ уларда ўз кучига ишонч уйғотишга ҳаракат қиламиз, — дейди мактаб директори М.Маликова. — "BANNUR"да оладиган билимлари ёрдамида ўз устида тинмай иш олиб бориш тўғрисида ҳар бир абитуриент ўзи танлаган институтга кира олиши мумкин, деб унинг қалбига ишонч туйғуси сингдириб борилади.

Тестларни ечишга синов пайтида чегараланган вақт берилган. Математика фанлари номзоди Фахриддин Қодиров масалаларни ечишда тезкор усулларни қўлаб,

тестларни ечишни ўргатишмоқда. Бу усул биринчи дарсданоқ тингловчиларга жуда ёқиб қолади. Улар вақт қандай ўтганини сезишмайди ва фанларни қизиқиб ўқишади. Тингловчилар ҳафтанинг олтинчи кунига ҳам дарс қўйиб беришни илтимос қилишмоқда.

"BANNUR" ХБМнинг тайёрлов курсларини битирган ўқувчилар ҳозирда Тошкент молия институти, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Тошкент автомобиль ва йўллар институти каби олий ўқув юрларининг талабаларидир.

МУХБИРИМИЗ

Суратларга: мактаб
ҳаётидан лавҳалар.

Б.РИЗОКУЛОВ олган
суратлар

"ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН"

Ёнғин содир бўлмасдан туриб, унинг олдини олиш турли талофат ва қурбонлар сонини камайтиради. Яккасарой тумани ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари ёнғинга қарши кураш ойлиги мобайнида туман ҳудудидаги кўпгина объектларда тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордилар. Болалар боғчалари, мактаб, коллеж ва лицейларда бу борада тушунтириш ишлари ўтказилди. Шуни назарда тутиб, туманимиздаги 4-мустақил ҳарбий ўт ўчириш қисми ходимлари болалар ўртасида суҳбатлар, викториналар, ўйинлар ташкил этиб, ёнғин ва унинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари тўғрисида батафсил маълумот бериб келишмоқда. Ўтказилган тадбирлар давомида ўқувчиларга шу мавзуда иншоолар, баёнлар ёздирилади. Мультфильмлар қўйиб берилди. Шу каби воситалар орқали улар ёнғиннинг олдини олишга ўргатиб борилмоқда.

Юқоридаги ишларнинг самараси ўлароқ, туманимизда ёнғинлар сони 9 фоизга, ёнғин келтирадиган моддий зарарлар 25 фоизга қисқарди.

Халқимиз "Қуруқ тухматдан, бевақт ўлимдан, ўт ва сув балосидан худо асрасин", дея дуо қилади. Мавриди келганда шуни эслатиб ўтмоқчимизки, ҳамма вақт ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, ёнғиннинг олдини олиш чораларини кўриш, яъни болаларни назоратсиз қолдирмаслик энг тўғри йўллардир. Маст ҳолда сигарета чекиш, унинг қолдиғини дуч келган жойга иргитиш, уй-жой атрофларини қуруқ шох-шаббалар ва чиқиндилардан тозаласлик, ёқилган газ мосламалари устида кийимларни қуритиш, носоз ва қўлбола электр асбобларидан фойдаланиш каби ҳолатлар ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлишини унутмаслик зарур.

Мирсултон НОСИРОВ,
Яккасарой туман 4-МХЎЎҚ
катта муҳандиси, ички
хизмат капитани

РЕКТОР ВА ШОИРЛАР МАКТАБДА

Самарқанд шаҳар Сиеб туман халқ таълими бўлимига қарашли 5-умумтаълим мактабида олимлар, шоирлар, журналист ва бошқа касб эгалари билан учрашувлар ўтказиб туриш яхши йўлга қўйилган. Учрашувларда ўқувчилар ўз замондошлари бўлган таниқли кишилар ижоди, ҳаёти билан яқиндан танишадилар ва касбга меҳр қўйишади. Яқинда ана шундай учрашувлардан бирида Самарқанд чет тиллар институти ректори Юсуф Абдуллаев, болалар шоири Олқор Дамин, шоира Жумагул Сувонова, Салим Кенжа, журналист Махбуба Неъматзодалар 6-8-синф ўқувчилари билан дилдан суҳбат қурдилар.

Ўзбекистон Республикаси халқ таъ-

лими аълочиси, Олий таълим аълочиси, 140 дан ортиқ илмий асарлар, 30дан зиёд рисоалар муаллифи Юсуф Абдуллаев ўзининг ҳаёт йўли, болалиги, хориждаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилиб берди. Болаларнинг илм

Оchiq muloqot

ўрганиши, олийгоҳларда ўқиш, хорижий давлатлардаги таълим жараёни, қийинчиликларни енгиб ўтиш ҳақидаги саволларга эса Юсуф Абдуллаев ибратли мисоллар билан жавоб қайтарди.

Учрашув ниҳоясида Ю.Абдуллаев ўқувчиларни келажақда илми, фозил кишилар бўлиб етишиши учун ҳозирдан қунт билан сабоқ олиш зарурлигини айтиб, уларга эзгу тилак билдирди.

Н.ШЕРБОЕВА

РЕЙТИНГ САМАРАДОН

Ўқувчиларда тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари бўйича чуқур назарий билим ва амалий кўникмаларни ҳосил қилиш, мактабларда эришилган тажрибаларни кенг тарғиб этиш мақсадида "Тасвирий санъат ва чизмачилик дарсларида рейтинг усулининг самарадорлиги" мавзусида Жиззах шаҳар ва Жиззах, Пахтакор туманлари тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиларининг ҳудудий амалий семинар-кенгаши ўтказилди. Тадбир Жиззах туманидаги 31-мактабда бўлиб ўтди. Семинарда ўқувчилар били-

мини баҳолашда рейтинг усулининг самарадорлиги тўғрисида маърузалар қилинди ва тажрибали ўқитувчиларнинг тасвирий санъат, чизмачилик дарслари кузатилиб, семинар қатнашчилари билан тажриба алмашилди. Семинар давомида ўқитувчилар мактабдан ташқари машғулотлар ва кўргазма материаллари билан танишиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

И.ИСМОИЛОВ,
Жиззах ВПХМОИ бўлим
бошлиғи

KASBLARNING HIDINI BILADIGAN IJODKOR



Atoqli bolalar shoiri Janni Rodari Italiyaning Olenya viloyatida 1920 yilda tug'ilgan. Uning «Quvnoq she'rlar» kitobi 1952 yilda bosilib chiqqan. Shoir o'z she'rlarida hozirgi italyan bolalarining hayotini jonlantirib berishga harakat qiladi. She'rlari xalq og'zaki ijodiyoti namunalarini eslatadi. Ayniqsa, bolalar o'rtasida keng tarqalgan lapar, sanoqlar, qo'shiqlarning o'ynoqi ohanglari qiziq voqealarni tasvirlash usullaridan ustalik bilan foydalanadi. Shoirning bu kitobi va bundan keyingi «Osmondagi va yerdagi she'rlar», «She'rlar poyezdi», «Kasblarning hidi qanaqa?», «Kasblarning rangi qanaqa?» nomli qator to'plamlarida kundalik maishiy mayda-chuyda hodisalardan dunyoviy ahamiyatga ega

bo'lgan katta-katta va murakkab xulosalar chiqarilganini kuzatish mumkin. Bu she'rlardagi xushchaqchaq kulgi, musiqiylik va tanqid o'quvchining yuragini kelajakka ishonch tuyg'ulari bilan boyitadi.

Janni Rodari «Chipollinoning boshidan kechirganlari», «Telefonda aytilgan ertaklar», «Jelsomino yolg'onchilar mamlakatida» singari juda qiziq ertak-qissalar ham yozganki, ular o'zbek tiliga ham tarjima qilingan va siz, aziz o'quvchilarimiz ularni kutubxonalardan topib o'qishingiz mumkin.

Quyida siz Janni Rodari she'rlarining yangi tarjimalari bilan tanishasiz. Ularni ruschadan Miraziz A'zam tarjima qilgan.

JANNI RODARI

QO'SHIQ HAQIDA QO'SHIQ

Qo'shiq haqda qo'shiq
ham bor-da!..
Qo'shiq bilan uyg'onar xo'roz.
Chigirtkalar ko'kalamzorda
Ko'kka qarab kuylar jo'rovoz.

Qo'shiq aytib manzarda hofiz
Ovoziga beradi sayqal.
Bola uchar «velik»da* g'iz-g'iz
Har kun qo'shiq aytib tong mahal.

Qo'shiq qo'rqmas birovdan zinhor —
Hurlik bordir qo'shiq marshida.
Qo'shiq aytar yomg'irda shofyor,
Oshpaz esa o'choq boshida.

Qo'shiq kezib yurar shaharda,
Kim to'xtata olardi uni?
Soqol olib buvam saharda
Ming'irlaydi qandaydir kuyni.

Qo'shiq aytib harsillar buvam,
So'zlarini farqlay olmaymiz.
Lekin qari ishchiga hamdam
Bo'lib, uni qo'ymaymiz yolg'iz.

Kimki, ishda ishlasa halol,
Qo'shiq unga beradi yordam.
Biroz g'amgin xayollarini
Haydab turar sal-pal bo'lsa ham.

Yangrab tursin qo'shiq lablarda,
Har qo'shiqchi to'q desak — xato.
Ammo qo'shiq horg'in qalblarga
Qittay mardlik etadi ato.

KASBLARNING HIDI QANAQA?

Har qanaqa ishning ham
O'z hidi bo'lar:
Nonvoyxonadan xamir,
Yog' hidi kelar.

Duradgor ish joyiga
Kirsangiz - aha! -
Hid taratib turadi
Qipiq, payraxa.

Bo'yoqchidan alifu
Rang hidi kelar,
Oynachidan zamazka,
Chang hidi kelar.

Oshpazdan taom hidi,
Dud hidi kelar,
Bog'bondan yaproq hidi,
O't hidi kelar.

Salgina benzin hidi
Kelar shofyordan,
Yoqimli dori hidi
Kelar doktordan.

Baliqchida dengizu
Baliq hidi bor,
Dehqonda tuproq hidi,
Ariq hidi bor.

Lekin yalqov boylardan,
Atir sepsa ham,
Insoniy hid kelmaydi
Yodda tut, bolam.



Юрнали куткариш халкаро фонди
ICEF агентлиги
В Компоненти
Ўзбекистон миллий ишчи гурӯҳи

DUNYODA SUV HAR XIL BO'LADI

Dunyoda suv har xil bo'ladi.
Mana biri: hovuzdagi suv —
Uvildiriq hidi keladi.
Buloq suvi — tarovatli suv.
Bu naqlimni hamma biladi.
Ummon suvi tuzli bo'ladi,
Quduq suvi muzdek bo'ladi.
Yozda jala quyib o'tganda,
Ko'pincha sen yuzing tutganda
Sezgandirsan: iliq bo'ladi.
Men ham yomg'ir suvidek iliq
Suv ko'rmadim, bu gapim aniq.
Onalarning ko'zyoshi kabi
Achchiq suv yo'q lekin dunyoda —
Shu gapimni saqlagin yodda.
Yaxshi bo'lg'in, mehribon, yuvosh,
Sen deb onang to'kmasin ko'zyosh.

OQARGAN SOCHLAR

— Hoy g'ishtchi amaki,
Usta amaki!
Ayting-chi, oqargan
Sochingiz nechta?

— Hoy muhtaram ustoz,
Muallim ota!
Ayting-chi, oqargan
Sochingiz nechta?

— Buva, siz buvamsiz,
Otamga ota!
Aytingchi, oqargan
Sochingiz nechta?

— Dunyoda men qancha
Uy qurgan bo'lsam,
Oqargan sochim ham
Ana o'shancha.

— Men qancha bolaga
Dars bergan bo'lsam,
Oqargan sochim
Ana o'shancha.

— Ertak aytgan bo'lsam
Sizlarga qancha,
Oqargan sochim ham
Ana o'shancha.

SHAHAR TRAMVAYI

Meni tongotarda uyg'otmas xo'roz,
Uyg'otar tramvay taratgan ovoz.

To'q moviy ishkiyim kiyingan ishchi
Tramvayda yo'ldan o'tar birinchi.

Keyin tramvayda o'tishar qalqib
Sipo xizmatchilar gazeta o'qib.
So'ngra tramvayni to'ldirar gala:
Joyalarni egallar bir to'da bola.

Bir tarafda qiy-chuv,
bir yonda sur-sur...
Tramvay o'zi ham boladay qurg'ur:

Har kuni sahardan
takrorlar shuni —
Turlanish, tuslanish, oluv, qo'shuvni.



* 1. «Velik» velosipedning bolalar tilida aytilishi.

Hallo! (Хеллоу) Ассалому алайкум! Маълумингизким, ўтган дарсимизда инглиз тили алифбосини ўргандик.

2-ДАРС

Алифбони ўқиб чиққанингизданоқ сизда: «Тўртбурчак қавсларда ёзилган белгилар нимани билдиради» деган савол туғилгандир. Улар **транскрипция** деб аталади. Гап шундаки, ҳарфлар билан товушлар бир нарса эмас. Ҳарф ёзилади ва ўқилади, товуш эса талаффуз қилинади, эшитилади. Инглиз алифбосида 26 ҳарф бўлиб, улар 44 товушни беради, яъни ҳар бир ҳарф сўздаги жойлашувига кўра турлича ўқилади. Мисол учун а [e] ҳарфи етти хил ўқилади (оддий қавслар ичида кирилл алифбосидаги талаффузи берилган).

lake	[leik]	сўзида [ei]	(лэйк) (1)
lack	[læk]	сўзида [æ]	(лэк) (2)
bag	[ba:]	сўзида [a:]	(ба:) (3)
tall	[t:l]	сўзида [o:]	(то:л) (4)
village	[vɪdʒ]	сўзида [i]	(вилиж) (5)
canal	[kənəl]	сўзида [ə]	(кенэл) (6)
manu	[meni]	сўзида [e]	(мэни) (7)

1. Икки нуқта (:) чўзиқ товуш эканлиги ва ўқилишда ҳам чўзиб ўқишни билдиради.

ИНГЛИЗ ТИЛИ САБОҚЛАРИ

Бироқ сиз бундай ранг-баранг ўқилишлардан чўчиманг. Чунки бу ўқилишларнинг ҳар бирида маълум қонун-қоидалар мавжуд. Агар мана шу қоидаларни билсангиз, бемалол ўқий оласиз. Транскрипция белгилари нима учун керак? Улар ҳарфларнинг жойлашувига қараб тўғри талаффуз қилиш учун ўйлаб топилган. Шунинг учун инглиз тилини ўрганишни бошлаган кишиларга бу белгиларни мукамал ўрганиб олишларини маслаҳат берамиз. Негаки, транскрипция белгиларини ўрганган одамларгина хатосиз ўқишлари ва энг асосийси, луғатдан тўғри фойдаланишларига кафолат берамиз. Луғатларда ҳамма сўзлар транскрипцияда берилди. Энди ана шу транскрипция белгиларини ўрганишга киришамиз.

УНЛИЛАР

i: белгиси чўзиқ И деб ўқилади.
Масалан: green [grɪ:n] (гри:н)

i белгиси қисқа И деб ўқилади.
Масалан: big [big] биг
æ белгиси қисқа Э деб ўқилади.
Масалан: bad [bæd] бэд
e белгиси Е билан Э ўртасидаги товушда ўқилади. Масалан: yes [jes] йэс
ɑ: белгиси чўзиқ А товушини беради.
Масалан: mark [mɑ:k] ма:к
ɔ: белгиси чўзиқ О товушини беради.
Масалан: call [k:l] ко:л
ɔ белгиси қисқа О товушини беради.
Масалан: not [nɔt] нот
u: белгиси чўзиқ У товушини беради.
Масалан: moon [mu:n] му:н
u белгиси қисқа У товушини беради.
Масалан: put [put] пут
ʌ белгиси қисқа А товушини беради.
Масалан: cup [kʌp] кап
ə: белгиси чўзиқ Е билан Ў ўртасидаги товуш
ни беради. Масалан: turn [tɜ:n]
ə белгиси қисқа Е билан Э ўртасидаги товуш
ни беради. Масалан: letter [letə]

Уй вазифаси: Белгиларни ҳарфлардан фарқлаб олинг, уларни ёдланг. Good by! (Гуд бай) Хайр!

БУЮК КАШФИЁТ

Немис геофизик олими А.Вегенер 1912 йилда илгари сурилган ер қатламларининг горизонтал йўналишдаги силжиши тўғрисидаги гипотеза асосчиси ҳисобланади. Унинг фикрича, Ер юзи аввало яхлит бўлган, шарқдан ғарбга, сўнгра марказга интилиш кучлари натижасида қутблардан экваторга силжиган ва қуруқлик парчалашиб, бўлак-бўлақларга бўлиниб кетган, ораларида денгиз ҳосил бўлган.

Ватандошимиз Абу Райхон Берунийнинг "Минерология", "Геодезия" ҳамда "Ҳиндистон" китобларида деярли 1000 йил олдин бу гипотезанинг асосланганлиги маълум бўлди: "Хуллас, Ернинг ҳолати ва унинг сиртида айрим қисмларнинг кўчиб юриши хусусида — унинг сабаби Ер ички қисмларининг силжишидир, деган эдик. Яна, Ернинг умумий ҳаракати...ундаги турли (районларнинг) умумий марказдан масофаси ўзгаришига олиб келади, натижада ўша (районларнинг) табиати ва иқлими ўзгаради. Бу ўзгаришлар узоқ мuddатда содир бўлганидан унча сезилмайди... Аммо улар (бундай ўзгаришлар) ҳамма тўрт томонга йўналган бўлиши мумкин. Бу силжишлар оғирликларнинг бир жойдан бошқа жойга кўчиши сабабидан ва бирданига зўр ҳаракат натижасида бўлиши ҳам мумкин".

У Ернинг шар шаклидалигини яхши билган, унинг сиртидаги сувлар думалоқлигини аниқ тасаввур қилган. Шунинг учун Беруний

ёзади: "Эҳтимол, шарсимон Ернинг қисмларга бўлиниб, асосий қуруқликдан ажралишининг сабаби улар орасида чуқур ботиқлар пайдо бўлганлиги, бу ботиқларга океан сувлари кириб келганлигидир. Қуруқлик юзасининг баланд тоғ тепаларигина сувдан холи бўлган, Ерни ҳамма тарафдан сув ўраб турибди, тоғ ҳосил бўлган қисмларигина сувдан кўтарилиб туради".

География фанлари доктори, профессор Ҳ.Ҳасанов Ҳинг-Ганг пасттекислигининг ўтмишини яхши билиш фақат XIX аср охирида маълум бўлганлигини ёзиб хулоса қилади: демак Абу Райхон Беруний Ер шарни қатламларини горизонтал ва вертикал ҳаракатлари тўғрисидаги таълимотни деярли 1000 йиллар олдин билган. "Балки сен Ҳинг ерини кузатиб, қазиб борилгунча чуқурликда учратилган силлиқ тошларни ўз кўзинг билан кўриб, ўйлаб кўрсанг: тоғ этакларида ва шарқирама дарёлар ёнида тошлар каттароқ, тоғлардан узоқроқ (жойлардан) ва дарёлар сусайиши билан тошлар кичикроқ; дарёлар селкин оқадиган ва (уларнинг) кўллари, тўқайлар ҳамда денгизга қуйилиши жойларга келганда қумлар учрайдими, Ҳинг ери қадимги бир денгиз бўлган-у, селлар оқизи келтирган ётқиқлар билан тўлган деб тасаввур этасан". (Ҳ.Ҳасанов. Сайёҳ олимлар. Тошкент, 73-74 бетлар).

Ж.ХАЛИЛОВ
Андижон вилояти

Bu sizning kitobingiz: o'qing, avaylang, asrang!

Ҳар қандай жамиятнинг қудрати фуқароларининг ўз давлати ва халқига нисбатан бўлган фидойилиги, унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий бойлиги, куч-қудратини мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси билан белгиланиб келган. Мана шундай ватанпарвар шахс, тарихчи олим сифатида қатор илмий мақолалар, ўқув қўлланмалар, дарсликлар муаллифи бўлган Жумабой Раҳимовнинг хизматлари айниқса салмоқлидир. Бугунги кунда Жумабой аканинг умумтаълим мактаб ўқувчилари, педагогик йўналишдаги олий ва ўрта махсус ўқув юр-



қийсий таҳлил қилишга ундаш билан ўқувчини мустақил фикрлашга, мустақил ишлашга жалб қилади. Рисола сўнггида берилган "Хоразмшоҳлар салтанати ва унинг билан боғлиқ тарихий шахслар, шунингдек, ҳарбий ҳаракатларга дахлдор изоҳлар" ва "Худудий -жуғрофий топонимик изоҳлар" ҳам киши диққатини тортади.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб яна шуни айтиш мумкин, рисолада 8 та рангли расмлар тақдим этилган бўлиб, уларнинг мазмуни ҳам жуда қизиқарли. Расмлар мазмунида ватанпарварлик руҳи ва аждодларимиздан фахрланиш туйғулари мужассамлаш-

«ТУРОННИНГ ШЕРЮРАК БАҲОДИРИ»

лари талабалари, маънавий қадриятлар, ўқувчи-ёшлар маънавий-маърифий маданиятини шакллантириш муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган "Туроннинг шерюрак баҳодири" номли рисоласини ҳам ёшларимизда миллий қадриятларимизни чуқур эҳтирос билан ўрганиш ва келажаги буюк бўлган давлатимизнинг бунёдкорлари, жанговар ватанпарварларини тарбиялаб вояга етказишда муҳим роль ўйнайдиган тарихнавислик сирасига киритиш мумкин.

Ушбу китоб кўхна ўзбек давлатчилигининг етук фарзанди, мислсиз саркарда Жалолиддин Мангубердиннинг ёшлиги, ўсмирлиги, айниқса, ватанпарварлик фаолиятини ошқоришга қаратилгандир.

Жалолиддин Мангуберди Хоразмшоҳнинг ҳаёти, Ватан, эл-юртга садоқати, она-юрти учун жонини ҳам ҳаётини қурбон қилишига таянганлиги, ёвга тик боқиб 300 мартадан ортик жанговар жаҳдларга кириши башариёт учун ибрат мактаби бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб қолишлиги билан диққатга

сазвордир.

Тарихий сабоқ чиқаришга тақдим этилган ҳужжатли материаллар: "Жалолиддин Мангубердиннинг боболари буюк салтанат соҳиблари эдилар", "Саркардалиқ имтиҳони ва илк галаба", "Турон осмонини қора булутлар қопламоқда", "Нажмиддин Кубро — ватанпарварлик тимсоли", "Парвонда кўтарилган қасос қиличи", "Нилабдаги қиёмат", "Жалолиддиншунослик тарих кўзгусида", "Буюклар номини ёд этажамиз, Жалолиддин Мангуберди руҳини шод этажамиз!" каби 24 та мавзу остига жамланган.

Мазкур мавзулардаги тарихий материаллар жаҳоннинг тарихнавис олимлари, XII-XIII аср замондош алломаларнинг, инглиз, француз, араб ва турк тилларида нашр этилган нодир қўлёзмаларидан унумли фойдаланилган ҳолда ёритилиб, "Манбалар тилга кирганда" деб номланган рисоладаги алоҳида рунлар билан ёзилган таҳлиллари воситасида аниқ исботлаб ҳам берилган.

"Манбалар тилга кирганда" рунлари ҳам ҳар хил йўналишдалиги билан диққатга сазвор. Улар тарихнинг турли даврларини, хусусан, ўзбек давлатчилигининг турли босқичларини

тирилган.

Шу туйғулар билан рисоланинг кейинги нашрларини мукамаллаштириш мақсадида айрим мулоҳазаларимизни ҳам тақдир этмоқчимиз. Илмий-оммабоп усулда ёзилган рисолада ҳам баъзи бадиий сўз ва ибораларни, айниқса халқ мақолларини ўринли ишлатиш фойдадан холи бўлмас эди. Бундан ташқари, рисолада наشريёт томонидан йўл қўйилган имло хатолари (масалан, 38, 90, 100-бетлар ва ҳ.к.)га йўл қўймаслик керак.

Муаллифга яна шуни ҳам тақдир қилмоқчи эдикки, рисола матнида берилган ва изоҳларда кўрсатилган тарихий шахсларнинг номлари бир хил шаклда ёзилиб, саналар ҳам тўғри кўрсатилиши зарур. Агар муаллиф ўз фикрида собитлигича қолиб, уларни химоя қилишга тайёр эканлигини кўрсатиб, китобхонни муносабат билдиришга чорласа, фикрлашга ундаса, китобнинг киммати янада ортиши, табиий.

Раҳимжон ЮСУПОВ,
СамДУ "Тарихшунослик
ва манбашунослик"
кафедраси мудири,
доцент, тарих фанлари
номзоди



БАРҚАРОРЛИККА
ИНТИЛАЁТГАН ЮРТ

Чеченистон раҳбарларидан бири Станислав Ильясов: "Яқин вақт ичида чечен халқининг ҳаёти яхши томонга ўзгара бошлайди"—деди. Бу ҳақда Грозний шаҳар ҳокими Бислан Гантемиров хабар берар экан, ҳукумат раҳбари апрел ойи бошида Чеченистонда барқарор турмуш тарзининг илк аломатлари сезилишини айтганлигини ҳам билдирди.

"Эхо Москвы"нинг хабар беришига қараганда, Россия Федерал кўшинлари ҳам март-апрел ойларида мамлакатдан олиб чиқила бошланади. Биринчи галда ҳозирда эхтиёж бўлмайд қолган кўшин бўлинмалари чиқарилади.

ЕР
ЮЗИДА

ТИНЧИМАЁТГАН
КАШМИР

"Рейтер" агентлигининг хабар беришича, Ҳиндистон вазирлар кенгаши хавфсизлик масалалари борасида мажлис ўтказди. Унда асосан Кашмир муҳолифатчилари билан бўлаётган келишмовчиликлар ва уларга қарши курашни тўхтатмаслик кераклиги ҳақида гап борди.

Расмий вакилларнинг фикрича, айирмачилар билан муносабатларнинг қайта кўрилиши ва бугунги ҳолатдан келиб чиқиб қарор қабул қилиниши мамлакат хавфсизлигини кафолатлайди.

ХИЁНАТ ҚИЛГАН
ЖОСУС

Қарийб 15 йилдан бери рус разведкасига яширин тарзда хизмат қилиб келаётганликда гумонли Америка Федерал Қидирув Бошқармаси ходими Роберт Хансон яқинда қўлга тушган эди. ФКБ унинг устидан тўпланган барча ҳужжатларни суд маҳкамасига топширди, дея хабар беради Би-Би-Си жаҳон хизмати. Ўз навбатида, янги президент Жорж Буш ҳам жосуснинг хиёнатидан тушунликка тушганини билдирган. Энди ФКБ хизматининг барча ходимлари батафсил текширувдан ўтказилади.

МАҲБУСЛАР
НАМОЙИШИ

Бразилиянинг Пиражуи камокхонасида тартибсизликлар содир бўлди. Сайр вақтида 800га яқин маҳбус тўсатдан 15 нафар назоратчини гаровга олганлар. Сўнгра камокхона эшикларини очишларини талаб қилганлар. Воқеадан хабар топган полиция қамокxonани қуршаб олиб, гаровдагиларни озод қилишга уринди. Хабарларга қараганда, намоёнчилар қўлида уяли телефонларнинг борлиги камокхона маъмурияти билан маҳбуслар ўртасида коррупция жиноятчилиги ривожланганлигидан далолат беради.

Бугунги бирон - бир немис сиёсатчисида Йошка Фишердаги каби бўлган ўзгаришларни учратиш қийин. Кекса-лигига қарамай у марафонда югурди. Қолаверса, авваллари ҳам берлинликлар ўзоқ масофани босиб келаётган Фишерни пойтахт кўчаларида бир неча бор олқишлар билан кутиб олишганди. Эндиликда унинг мафкуравий қарашларида кескин ўзгаришлар юз берди.

70-йилларда ГФРда курашиб ва Шимолий Атлантика пактининг рақиб бўлган Фишер ва Шимолнинг ҳамда вице-канцлер лавозимига эришган эди. Шу аснода у НАТОнинг Югославиядаги ҳаракатларини ҳам қўллаб-қувватлади.

Мақтаб давридаёқ бўлгуси "яшиллар" партияси лидери чет тилларини ўрганиб, кейинчалик парламентда кучли нотиқ бўлиб танилди. Икки йилдан ортиқ ташқи ишлар вазири лавозимида ишлаб, ўз рейтингини ошираётган бир вақтда кутилмаган зарбага учради. Беттина Рёл, таниқли террорист ва "Қизиллар бригадаси" ташкилотининг асосчиси Улрики Майнхофнинг қизи шу ташкилот ҳақидаги китоб учун материаллар йиғайтганда олдин ҳеч қаерда босилмаган ва яқинда "ШТЕРН" журналида чиққан фотосуратларга кўзи тушди. Бу расмларда 1973 йил апрелида Франкфуртда "Тозалаш гуруҳи" деб атаган ўсмирлар тўдаси бир полициячини дўппослашмоқда эди. Ҳатто

у йиқилиб, ҳеч қандай қаршилик кўрсата олмай қолганда ҳам уни тепишарди. Босқинчилар орасида Германиянинг ҳозирги ташқи ишлар вазири ҳам борлиги аниқланди.

Аввалига у мухбирлар билан бўлган суҳбатада ўзининг бундай жиноий ишларда иштироки йўқлигини айтди. Лекин бу билан ўзини ҳам ҳимоя қилмади. Ва бир кундан кейин айбига иқроор бўлиб, ўзининг кечиккан узрларини билдирди. Фишер Вьетнамдаги урушга, ГФРдаги "фавқулоддаги қонунларга", шунингдек буш қолган уйларга қарши уюштирилган намоёнш-

так унинг ёшлиқдаги собиқ дўсти, "революцион кўз"лардан бўлган машҳур террорист Ханс-Иоахим Клейн жиноят содир этганди. Ҳозирда у камида уч кишини ўлдирганликда айбланиб, ўз судини кута-япти. Клейн "революцион кўз"ларга қўшилмасдан олдин 1924 йил Фишер ва Европарламентнинг ҳозирги кундаги депутати Кон-Бендит билан намоёншларда қатнашиб, полициячилар билан уришганди. Шундан сўнг машҳур террорист "Ильич" қўл остида қуролли босқинчиликларда қатнашади ва оғир ярадор бўлади. Лекин

шернинг гувоҳлик беришида эди. Улар бир-бирларини 60-йиллар охириларидан танишаркан. Маълумотларга қараганда, намоёншлардан сўнг Клейн террорист бўлиб кетгач, уларнинг йўллари бошқа-бошқа томонларга ўзгарилади.

Лекин судьялар ва сиёсатчиларни бошқа нарса қизиқтирарди. Улар Фишернинг Клейннинг Францияга қочишида қўли борми, кейинчалик у билан алоқада бўлганми ёки шунга ўхшаш кўплаб саволларга жавоб кутишарди. Вазир барча қилган ишларига иқроор бўлди ва шу ўринда у ўзининг террорчи "Карлос" учун қурол сақлашдаги иштирокини инкор этди. Саволларга жавоб берар экан, у уни демократга айлантирган ўзоқ жараён ҳақида судьяларга гапириб берди. Аммо нима бўлганда ҳам энди уни ўрганиш учун парламентнинг махсус комиссияси тузиладиган бўлди ва ушбу комиссия унинг ўз лавозимида қолиш-қолмаслигини ҳал қилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, албатта, бу фотосуратлар вазирни қувонтирмади. Лекин ҳеч ким бу фактларни кейинги сайловларда Фишернинг тақдирига, қолаверса партиясининг фаолиятига таъсири бўлмайд, деб айтмайди. Шунингдек, буни ўз ўрнида сиёсий рақиблар ҳам ёдларида туттишади.

Фарҳод ИРДАШЕВ
тайёрлади.

ВАЗИР СУДДА

қачонлардир Фишер полиция ходимини урган эди

ларда иштирокини инкор этмасдан деди: "Агар бировни ура бошласангиз, ўшанда сизда бир кучни сезувчи ва айнан ёшларда қўзғолувчи механизм ишлай бошлайди... Тўғри, биз тош отардик. Лекин мен ҳар доим қуролли тўқнашувни рад этардим".

Балки шундай ҳам бўлиши мумкин, аммо шу нарса аёнки, ўша "тозалаш гуруҳи" бу фақат полициячиларга қарши курашиш учун махсус тайёргарликдан ўтган ёш йигитлар эди. Бироқ ўз вақтида сиёсий рақиблар "яшиллар" партияси лидерига исботсиз, манбаларсиз, шунга ўхшаш айблар билан қарши чиқишганди. Устига-ус-

яна қайта қонли жиноятга қўл уради. Ўзоқ ва муваффақиятсиз қидирувлардан сўнг у 1998 йили Францияда ҳибсга олинади.

Январь ўрталарида унинг судида Фишер гувоҳ сифатида қатнашиши керак эди. Бунинг қандай кечишини Германия оммавий ахборот воситалари бесабрлик билан кутишганди. Шундай қилиб, суд бўлди. Унда кутилганидек, Фишер гувоҳ сифатида қатнашди. Судда Клейннинг 1975 йил декабрда "Ильич" (Карлос) бошчилигидаги ОПЕКнинг штаб квартирасига қилган жинояти кўрилди. Бироқ катта қизиқиш террористнинг ишига эмас, балки Фи-

АХЛАТХОНАДАН ТОПИЛГАН ЧАҚАЛОК

Москва шаҳар ички ишлар ходимлари яқинда туғилган боласини ахлатхонага ташлаб юборган аёлни қўйга олдилар. Аёл ўз фарзандини 12 феврал куни туққан ва орадан бир ҳафта ўтиб, 19 февралда туғруқхонадан чиққан. Она ёш гўдак боласидан кутилиш мақсадида уни Хачатурян кўчасидаги ахлат кутида қолдирган экан.

Кўчадан ўтиб кетаётган бир ўткинчи чақалоқнинг йиғлаётганини эшитиб қолган ва тез ёрдам хизматини чақирган. Сўнгра бола яқин туғруқхонага жойлаштирилди. Унинг онаси ўз фарзандининг ҳаётига хавф солганлиги учун 15 йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

ЯНГИ РУСУМЛИ "МЕРСЕДЕС"

Олмониянинг "Даймлер-Бенц" заводи келгуси йили Женевада бўлиб ўтадиган автомобиллар шоусида "Мерседес-Е" тоифадаги машинасини кўргазмага кўяди. Мутахассисларнинг билдиришларича, мазкур янги автомобиль ўзининг ўтмишдошларидан бир канча қулайликлари билан фарқ қилади. Ўз тоифасида энг замонавий ҳисобланаётган "Мерседес-Е" олти даражали тезликда бўлиб, электрон тормоз, назорат қилиш ва бошқарув тизимлари билан жиҳозланган, дея хабар берди "Газета Ру".

Ўтган юз йиллик табиий офатларидан учтаси қурбон бўлганлар сони жиҳатидан энг даҳшатлиси деб топилди.

- 1. 1902 йил 8 майда Кариб ярим оролидаги Пели тоғида кучли вулкон портлаши натижасида бир неча дақиқа ичида 30.000 киши ҳалок бўлган.
- 2. 1963 йили Шимолий Италияда жойлашган сув омборидаги сув захирасининг тошиб кетиши натижасида бир дақиқа ичида 2600 киши ҳаётдан кўз юмган.
- 3. XX асрдаги энг даҳшатли сув тошқини 1953 йили Буюк Британияда бўлди. Сув тошқини натижасида Темза дарёсининг жанубий-шарқида яшовчи минглаб аҳоли сувга фарқ бўлган.

"ТАҚДИРСИЗ ИНСОН"

ларидандир. Ушбу асар бундан уч йил муқаддам немис тилига юксак бадий маҳорат билан таржима қилинди. Асар қисқа вақт ичида ўз мухлисларини топди. Ва муаллиф машҳурлик даражасига эришди. Айтишимиз мумкинки, асар бадий адабиёт мухлисларининг қалбидан муносиб ўрнини эгаллади.

Роман биринчи

ушбу асарни ёзишга киришди. Асар 10 йил мобайнида ёзиб тугалланди. Дастлаб Имре Кертеш журналистика соҳасида ишлаб пул топарди. Афсуски, у ишлаётган кундалик газета коммунистик партия измига ўтди. 1951 йилда эса уни нашриётдан четлаштиришди. Шундан сўнг у ёзган ижодий ишлари учун оладиган қалам ҳақи ҳисобига кун кўра бош-

лади. Шу йиллар ичида у опера ва театр учун сахна кўринишлари, сценарийлар ёзди. Имре Кертешни ўз ватанида 1985 йилда асар иккинчи марта нашрдан чиққандан сўнггина танишди ҳамда унинг бошқа китоблари ҳам, жумладан "Фиаско", "Галерейшиклар кундалиги", "Қадиш учун туғилмаган янги бола", "Мен умуман бошқаман" кундаликлари нашр қилина бошланди.

У бадий адабиётга тўқима образлар кириштирилиши қаттиқ қоралайди, асарнинг ҳар бир воқеаси фақат ҳаётий бўлсин ва ана шундагина китоб ўз бадий қимматини асрлар давомида сақлаб қолади, деган фикрни илғари суради. Ёзувчи бунга ўз ижодида амал қилади.

Райхон ХОЛМУРОВА,
талаба

АЁЛ—ОНА, АЁЛ—
РАХБАР...

Инсон меҳнати қанчалик кўпроқ самара берса ҳаёт, жамият, давлат шунчалик гуллаб-яшнайдеради. Меҳнат эса, маълумки, касб орқали юзага чиқади. Ҳар бир инсон ўз касбининг фидойиси, моҳир ижрочиси бўлса, бу билан бирор одамга, маҳаллага, қишлоққа, вилоятга, қолаверса, давлатига хизмати сингиши шубҳасиз. Шу боис, касб-кор эгаллаш ҳар бир кишининг ҳаётидаги жуда муҳим масала эканлиги ҳар бир тараққий этаётган жамиятнинг муаммосидир.

Аҳмаджон ака Тошев касб-кор танлаш борасида ҳеч қачон иккиланган

ибора, уни маромига етказиб талаффуз этиш унга жуда катта завқ берарди. Шу боис, тил грамматикаси билан луғати Аҳмаджоннинг кўлидан тушмас эди. У боғбонлар ва пахтакорлар ҳузурига ҳашарга борганда ҳам, таътиларда ҳам, узоқ йўлга отланган чоғларида ҳам шу китобларни ўзи билан бирга олиб юрар, мутолаа унинг энг сеvimли машғулоти бўларди.

1962-64 йиллар тақдир Аҳмаджонни Россия ва Украина худудларига бошлаб кетди. Аскарликда юрган бу кезларда ҳам у бир дақиқа бўлса-да ўз устида ишлаш, мутолаа

нинг ўқув ва маҳоратларини аниқлашга тўғри келарди. Бутунлай узоқ бўлган тилнинг сиру асрорларини ўрганиш фақат амалиёт билан, устозлар ҳамкорлигидагина ўзининг саматасини бериши мумкин. Аҳмаджон акага ҳар бир талаба қалбан яқин.

Халқимизда - аввал хеш, кейин дарвеш, деган мақол бор. Шерободлик А.Тошев қишлоқдошлари билан ҳамсуҳбат бўлар экан, ўзи ўрганаётган француз тилининг гўзаллигини таърифлар, бу билан ёшларни билиб-билмай ўз ортидан етаклар эди. Шерободдан юзга яқин ёшлар унинг орти-

оилавий шароитлари, уларни қийнаётган муаммолари ҳақида сўзлашаётган, гоҳ ўқувчилар билан бирон-бир тадбирга тайёргарлик кўраётган ҳолатда учратади. Шундан бўлса керак, ҳозир мактаб тумандаги энг яхши илм масканлари қаторидан жой олган.

Мактабда собиқ ўқувчилари билан хотира учрашувлари ҳам тез-тез уюштириб турилади. Шундай учрашувлардан бири яқинда бўлиб ўтди. Унда мактабни 30 йил аввал битирган собиқ ўқувчилари қадрдон мураббийлари Шоқодир Шораҳмедов, Моҳира Раҳматуллаева, Рамзиддин Файзиев, Айниддин Фиёсов, Тўхтамурод Акбаров, Абдусалом Саидкамоллов, Мухаббат Мирабдиева, Рихсивой Кўчқоровлар қатнашди.

Самимий руҳда ўтган учрашувда собиқ ўқувчилар устозларига ўзларининг миннатдорчиликларини билдирдилар.

Шаҳодат опа бахтли бир оиланинг бекаси, юртнинг порлоқ келажигига муносиб ҳисса қўша оладиган қобил фарзандлар тарбиялаётган меҳрибон она ҳамдир.

Ютуқлар боиси сўралганда, Шаҳодат опа камтаринлик билан: "Мен турли йиллар ушбу даргоҳга етакчилик қилган Василя Хўжаева, Жамил Ёқубов, Ботир Нигмонов каби устозларимнинг ишларини давом эттирдим, холос. Неки муваффақиятга эришган бўлсак, барчасига ана шу устозларим тамал тошини қўйган деб биламан", дея устозларини ёдга олади. Дарвоқе, устозни улуғлаган, унинг меҳнатини қадрлаган шогирд асло кам бўлмайди.

Шаҳноза ҒОИПОВА, журналист

ШЕРОБОДНИНГ
ШЕР ЙИГИТИ

эмас. Унинг ишқи - дунёда энг гўзал муомала воситаси бўлган француз тилига тушиб қолган. Мазкур тилни ўрганишга у энг шимариб, жуда катта ҳурмат, эҳтиром билан киришган. Унинг бутун орзу-истаги жуда катта маданият тили бўлган француз тилида, шу халқ маданиятини ўрганиш. Бу билан ўзбек маданиятини ошно этишдан иборат эди. Аҳмаджон ака Валтер, Ж.Руссо, А.Дюма, Стендал, О.де'Балзак асарларини ўз тилида ўқий олишни орзу қилган эди. Шу боис, Шерободнинг узоқ қишлоғидан келиб Тошкент чет тиллар институтига ўқишга кирди.

Янги тил талаба учун гоёта қизиқарли жумбоқлар яширинган мамлакат бўлиб туюлар эди. Ҳар бир

қилишдан тинмади. Албатта, кўнгилли машғулоти учун инсон ҳар доим вақт топа олади.

Аҳмаджон ака Тошевнинг меҳнат дафтарчасида йиллар билан санаб ўтиладиган амал поғоналари йўқ. У аскарликдан қайтганидан сўнг, яъни 1965 йилдан ҳозирга қадар шу битта илм даргоҳида катта ўқитувчи вазифасида ишлаб келмоқда. Тўғрироғи ўрта мактабни битирганидан кейинги бутун фаолияти ҳозир Ўзбекистон жаҳон тиллари университети билан боғлиқ бўлиб қолди.

Ҳеч бир ўқув юртида устоз-шогирдлик муносабатлари бу даргоҳдагидек бўлмаса керак. Қарийб ҳар бир талаба билан алоҳида шуғулланишга улар-

дан эргашиб ва унинг хомийлигида чет тиллар институтининг илғор талабаларига айланишди. Бугунги кунда Аҳмаджон аканинг нафақат Шерободда, бутун республикамиз сарҳадида қадрдон, гоёта кўп меҳнати сингган юзлаб шогирдлари бор. А.Тошев республикамиздаги француз тили билимдонларидан бирига айланди.

Мураббий ҳақида ўйлаганда, беихтиёр Аҳмаджон Тошевдек қамтарин, билимдон, касб-кор сулола-ларни яратган закий инсонлари бўлган мустақил ўзбек халқи янги минг йилликда улкан ютуқларни қўлга кирита олишига яна бир бор иймон келтирасан, киши...

Хуршид РАУПОВ

ҲАР БИР ДАРСИ — ЯНГИЛИК

Етуклик аттестатини қўлга олган Маҳбуба сира иккиланмай Каттакўрғон педагогика билим юртига ҳужжатларини топширди. Имтиёзли диплом билан ўқишни битирган Маҳбуба ўқиган билим бўстонига ишга юборилди.

Маҳбуба дастлабки меҳнат фаолиятида ўқувчиларга таълим беришдан олдин, устоз ўқитувчилар иш услубларини кузатиб борди. Уларнинг илғор тажрибаларини ҳар томонлама пухта эгаллашга интилди.

Интилганга толе ёр деганларидек, Маҳбуба кўп ўтмай мактаб раҳбарининг таълим-тарбия ва ташкилотчилик ишлари бўйича муовини этиб тайинланди. Энди унинг бир дақиқа ҳам тиними йўқ. Ўқувчиларга биология фанидан дарс бериш билан бирга мактабда тарбиявий ва ташкилий ишларни олиб боради. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан доимо мулоқотда бўлади.

КАСБГА МЕҲР

Маҳбуба Мустафоқулова томонидан ўтказилган ҳар бир тадбир ва кечалар ўқувчиларнинг ҳар томонлама билимдон бўлиб камол топишига имкон бермоқда.

Масалан, мактабда "Истеъдодли ўқувчиларни излаймиз" мавзусида ўтказилган кўрик-танлови ҳам яхши самара берди. Натигада эса моҳир педагог, изланувчан ташкилотчи Маҳбуба Мустафоқулова мактабнинг истеъдодли ўқувчиларини Республикага таништиришга эришди.

У ота-оналар, маҳалла қўмитаси аъзолари билан ҳамкорликда маслаҳат кенгаши ташкил этди. Ушбу кенгашнинг асосий мақсади эса тарбияси оғир ўқувчилар билан шуғулланишдан иборатдир.

Хуллас, ана шу ишларнинг ҳаммаси касбига беқиёс меҳр қўйган Маҳбуба Мустафоқулова сингари фаол мураббийлар изланишлари муҳим омил бўлмоқда. Шунинг учун ҳам Очилди Мирий номидаги мактаб бу атрофда таниқли билим бўстонларидан бири ҳисобланади.

Аскар ЖАЛИЛОВ

Халқ таълими фидойилари кимлар, деб сўралса, биринчи бўлиб бизнинг Шарофат опамиз деб айтган бўлардик.

Дарҳақиқат, бошланғич синф ўқитувчиси Шарофат Ҳақимова ўзининг сермазмун умрини фарзандларимиз камолотидек хайрли ишга бағишлади. Шарофат опа 30 йилдан ошиқ вақтдан буён мактабимизда ишлаб келмоқда. Бу заҳматкаш аёл ўзига топширилган вазифани аъло даражада бажаради. Унинг ҳар бир дарси янги педагогик услубдан фойдаланилган ҳолда қизиқарли ташкил этилади. Дарсларда мустақил ишлаш, эркин фикрлаш ва шу билан бирга бадиий китоблар ўқиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Айниқса, ўқувчиларнинг сўз бойлигини оширувчи уйинлари ибратлидир. Шунинг учун ҳам ўқувчилар нутқлари равон, билимдон, зеҳнли, одобли бўлиб ўсмоқдалар.

Шарофат опа ота-оналар ўртасида ҳам катта ҳурматга сазовор бўлган. Бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаётган шогирдлари ҳам



талайгина.

Шарофат Ҳақимова илғор ўқитувчилар тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш бўйича ибратли ишлар қилди. Кўплаб мақолалар, бир неча методик қўлланмалар, ўқув қўлланмалар ёзди, муҳаррирлик ҳам қилди.

Хуллас, изланувчан, тажрибали ўқитувчи сифатида танилди. Шарофат опа халқ таълими ишида илғор, оилада ибратли аёл, бири-бири-

дан ширин невараларнинг бувижонисидир.

Биз, Шарофат опадек устоз муаллима билан бир сафда ишлаётганимиздан қалбимизда ҳамisha илиқлик ҳис этаминиз.

Мухаббат ХАЛИЛОВА,
Зангиота туманидаги 14-мактаб раҳбари
Суратда: тажрибали ўқитувчи Шарофат Ҳақимова дарс жараёнида.

«СПАРТАК» ТАҚДИРИ «АРСЕНАЛ» ҚЎЛИДА

Кичик жаҳон чемпионати дея ном олган Чемпионлар Лигаси кундан-кунга шиддатли тус олмақда. Бунга ҳақиқий маънодаги футбол санъатини намойиш этишга қурби етадиган жамоаларнинг сараланиб қолганлиги сабаб бўлса керак, назаримизда.

21 февраль кунги Москванинг «Спартак» ҳамда Мюнхеннинг «Бавария» клублари ўртасидаги учрашувдан россияликлар билан бир қаторда биз ўзбекистонлик мухлислар ҳам кўп нарсани кутган эдик. Афсуски, натижа бизнинг кўнглимиздагидек бўлиб чиқмади. Супергигант клуб ҳисобланмиш «Бавария» «Спартак»дан бир неча поғона устун эканлигини яна намойиш этди.

Қайсидир маънода Мюнхендаги 0:1 ҳисоби Олег Романцев шогирдлари галаба сари қадам қўйишди дея эътироф этишимизга сабаб бўлганди. Ҳақиқатда эса ундай бўлиб чиқмади. Уйин тизгинини дастлабки да-

қиқаларданоқ ўз қўлларига олишга ҳаракат қилган москваликлар биринчи бўлимнинг 17-дақиқасида ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юборишди. Бу «Спартак» ўйинига кескин салбий таъсир кўрсатди. Айниқса, ҳимояда кетма-кет хатоликларга йўл қўйишлар рақибларга янада шиддат тўхфа этиш билан тенг эди.

«Спартак»нинг «Спартак» бўлиб шаклланишидан бери ўйин услуби бир хилда кечади. Яъни, бу ҳаммага маълум бўлган қисқа тўп узатишлардир. Албатта, Россия биринчилигида ва ундан олдинги биринчиликларда бундай услуб яхши самара келтирган. Аммо жаҳон футболда доимий равишда бир хилда тактика қўллаш назаримизда, ўзини оқламайдиган кўринади.

Шу кунни Жаъфар Ирисметовнинг ҳам омади юришмади. Унинг иккинчи бўлим ўрталаридаги дарвозабон

билан деярли яккама-якка чиқиши ва тўпни мўлжалга аниқ йўллаб олмаганлиги юқоридаги гапимизнинг исботидир. Умуман олганда, мюнхенликлар билан кечган ҳар икки ўйинда ҳамюртимиз профессионалларга хос ўйин намойиш этди.

Яқуний ҳисобда О.Романцев шогирдлари ўз дарвозаларидан жавобсиз учта тўп ўтказиб юборишиб, стадиондан бош эгиб чиқишга мажбур бўлдилар. Бу эса «Бавария» клубини муддатидан олдин чорак финалга чиқди, дегани эди.

Навбатдаги учрашувни «Спартак»чилар Лондоннинг «Арсенал» жамоасига қарши ўтказишади. Москваликлар тақдирини энди фақат ана шу ўйинга боғлиқ бўлиб қолди.

Нуриддин ИСМОИЛОВ

Муҳташам спорт залида XVIII республика «Қувноқ стартлар» телемусобақасининг навбатдаги иккинчи давра учрашуви доира садолари остида бошланди. Мусобақа қатнашчилари — Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 1-ўрта мактабнинг «Омад» ва Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 236-мактабнинг «Машъал» командаси ўртасидаги мусобақа ҳар галгидек муросасиз кураш остида ўтди.

Беллашувни бирма-бир баён қилиб ўтирмай, қисқа-

ча таҳлил этадиган бўлсак, ҳар иккала команда ҳам учрашувга пухта тайёргарлик кўргани яққол кўзга ташланиб турди.

Дастурдаги ўнта учрашувдан бештасида «Омад», бештасида «Машъал» командаси ғолиб чиқиб, 11 тадан очко соҳиби бўлди

(танловда 1 тадан очко берилади). Дастурнинг биринчи ва олтинчи беллашувларида («Акробатчи болалар», «Мокисимон югуриш») йўл қўйилган хатолар ҳисобга

олиниб, «Омад» командасидан биттадан очко олиб ташланди. «Машъал» командаси ҳам икки ўйинда («Тезкорлар беллашуви», «Туннел эстафетаси») йўл қўйилган хатолар

«ОМАД»НИНГ ОМАДИ КЕЛДИ

ҳисобига 2 та очкодан маҳрум бўлди.

Мусобақанинг бошидан тўққизинчи учрашувгача гоҳ у, гоҳ бу команда бир очко ўзиб ёки очколар тенг бўлиб борди. Саккизинчи учрашувда («Ўрин алмашиш») «Машъал» командаси 3 очко олиб,

ка эришилаётганлиги хусусида маълумотлар олдилар.

— Польша давлатида кураш, бугунги кунда энг оммавий спорт турига айланмоқда. Шу билан бир-

ПОЛЬШАДА ҲАМ КУРАШЧИЛАР БОР

га дзюдо, самбо каби спорт турлари ҳам давлатимизда жуда яхши ривожланган. Польшада 6 та олимпия маркази мавжуд бўлиб, мар-

Quvnoq startlar

11:13 ҳисобида олдинга чиқиб олди. Тўққизинчи мусобақада («Ринго») «Омад» командаси ғолиб чиқиб, ҳисоб яна тенглашди (14:14).

Энг ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Ҳар икки команда сардори финиш чизигини айланиб келиб, майдон ўртасидаги тўпни тепиши керак эди. «Омад» командаси сардори тез ва чаққон ҳаракат қилиб, қимматли галаба очкосини қўлга киритди.

«Омад» командаси 15:14 ҳисобида ғолиб чиқиб, ярим финал учрашувида иштирок этадиган бўлди.

Ғ.МАННОПОВ

казда олимпиада ўйинларида иштирок этувчи спортчилар тайёрланади. Ўзбек кураши билан нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам қизиқиб шугулланишмоқда, чунки Польша аёллари ҳам эркаклар сингари кучли, бақувват. Бугунги кунда курашчиларимизнинг 30 фойзини аёллар ташкил қилади. Варшавада бўлиб ўтадиган 3-жаҳон чемпионатида бизнинг курашчиларимиз ҳам қатнашади, - деди М.Бигосhevский.

Матбуот анжуманида яна бир қанча қизиқарли савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Ўзбек курашини дунё халқлари тан олди. У жаҳон миқёсига кўтарилди. Бугунги кунда кўплаб давлатларда Кураш федерациялари фаолият кўрсатаётганлиги ҳар бир ўзбекни қувонтиради.

Шу кунларда Польша давлати жисмоний тарбия ва спорт вазирини Мичислав Новицки ҳамда Польша кураш федерацияси Президенти Мичислав Бигосhevскийлар мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибдилар.

Яқинда Ўзбекистон «Кураш» федерацияси ҳурматли меҳмонлар билан матбуот анжумани ўтказди. Анжуманда журналистлар Польшада спортга бўлган эътибор, бу давлатда спортнинг қайси турларининг ривожланганлиги, Ўзбекистон билан спорт соҳасида қандай ҳамкорлик-



Юқори технологиялар борган сари катта спорт оламида ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Яқинда Хопман Кубогидаги галабаси шарафига бўлиб ўтган матбуот анжуманида машҳур теннисчи Мартина Хингис «Адидас» фирмаси унга деб тайёрлаган ажойиб теннис кийими тўғрисида сўзлаб берди.

Унинг бир энги иккинчидан узунроқ экан. Бу мушаклар фаолиятига ижобий таъсир қилиб, зарба-

СУЗИШ КИЙИМИДАГИ ТЕННИСЧИ

нинг кучи ва аниқлигини оширади. Мартина ҳам ўзини бу кийимда қулайроқ ҳис қилганлигини ва узатган тўплари аниқлиги ҳақиқатдан ҳам ошганлигини таъкидлаган. «Адидас» вакиллари ҳам бу технологиялар биринчи марта Сидней ҳавзаларида сузувчиларда синаб кўрилганлиги, у ердаги муваффақиятлардан сўнггина теннисга олиб қирилганлигини айтишган.

В.БОЙМУРОДОВ

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кумитаси институтининг хужалик ишлари бўйича муdiri

Зоҳиджон ЎЛМАСОВ вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ректорати, физика-математика факультети ҳамда «Физика ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси жамоаси кафедра доценти Ж. Камоловга умр йўлдоши

МУНИРА ая вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси марказнинг илмий методика кенгаши котибаси М.Раҳматуллаевага онаси

Муборак ая АСҚАРОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси марказнинг ижтимоий билимлар бўлими бош методисти З.Асаловага онаси

Ҳосият ШОДМОНОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

QUTLOV

Кадрли Шоира ХОЛМУХАММЕДОВА!
Сизни гўзал баҳор фасли бўсағасида таваллуд кунингиз билан қутлаймиз. Ҳаётингизда ва фарзандларга билим беришдек шарафли касбингизда зафарлар тилаймиз. Ҳамиша бахтимизга соғ ва омон, баҳор фаслидек мафтункор бўлинг!
38-мактаб жамоаси ва оила аъзоларингиз



Иқтидорли болалар таълим-тарбия олаётган масканлар республикамизда жуда кўп. Шундай илм даргоҳлари сирасига гўзал Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманидаги Қори-Ниёзий номли 1-ўрта мактаб ҳам киради.

Бугунги кунда ушбу мактабда 961 нафар ўқувчига 104 нафар мураббийлар билим бермоқдалар. Бу даргоҳда жисмоний тарбия ва спортга катта аҳамият берилади.


Суратда: мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Н.Матмуродов ёш спортчилар билан машғул ўтказмоқда.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

1. Fransuz fizigi, Yerning o'z o'qi atrofida aylanishini tasdiqlovchi tajribani namoyish qiluvchi qurilmadan foydalanish kashfiyotchisi. 2. Optik asbob yoki fotoapparat qismi. 3. Sathning gorizontalligini aniqlovchi asbob. 4. Murakkab nurning shisha prizma orqali o'tib, tarkibiy qismlarga ajralishi natijasida hosil bo'ladigan rang-barang chiziqlar. 5. Avtomobilning boshqarish dastasi. 6. Mexanik energiyani elektr energiyaga aylantiruvchi qurilma. 7. Yorug'lik nurlarining bir muhitdan ikkinchi muhitga o'tishida sinishi. 8. Kimyoviy elementning eng mayda, XX asrga qadar bo'linmas deb hisoblangan zarrasi. 9. Fizikaning jismlar harakatini o'rganadigan bo'limi. 10. Yozib olingan tovushni tiklab, kuchaytkich vositasida eshittiruvchi asbob. 11. Elektr zanjiriga qo'shimcha qarshilik ulab tok kuchi yoki kuchlanishini o'zgartiradigan asbob. 12. Haroratni bir xilda saqlab turadigan moslama. 13. Elektr zaryadi oqimi. 14. Elektrod. 15. Ikki elektrodli lampa. 16. Avtomobilni ta'mirlashda ishlatiladigan moslama. 17. Olis masofaga xabar yetkazish qurilmasi. 18. Parallel nurlarning sindiruvchi tuzimdan o'tgach to'plangan nuqtasi. 19. Elektr tokining kuchlanishini mutanosiblashtiruvchi asbob. 20. Yorug'lik nurini akslantiruvchi asbob. 21. Turbinaning aylanadigan qismi. 22. Tishli g'ildiraklar yordami bilan bir valdan ikkinchi valga harakat o'tkazadigan qurilma. 23. Ma'lum sharoitda jismning majburiy tebranishlari amplitudasining keskin oshib ketishi. 24. Jismlar aralashmasi tarkibidagi moddalarni ajratuvchi qurilma. 25. Traktor motoridagi suvni sovutuvchi asbob. 26. Yoritish, isitish kabi asboblarni elektr tarmog'iga ulash moslamasi. 27. Tebranuvchi jismning tebranish kengligi — uning muvozanat holatidan

“F I Z I K A”

(Chaynvord va muammonoma-test)



eng uzoq holatgacha bo'lgan masofa. 28. Elektromagnit to'lqinlarini tarqatuvchi yoki qabul qiluvchi qurilma. 29. Fizikaning tovushlar haqidagi bo'limi. 30. Havo bosimini o'lchaydigan metall barometr. 31. Biror modda zarrachalarining boshqa modda orasiga sekin-asta kirib borishi. 32. Elektr toki kuchining o'lchov birligiga nomdosh fizik olim. 33. Qabul qiluvchi va eshittiruvchi ko'chma radiostansiya. 34. Hidrostatika va aerostatika qonunlarini ochgan qadimgi yunon mexanigi va matematigi. 35. Mexanikaning jismlar harakatini va kuch bilan harakat o'rtasidagi bog'lanishni o'rganadigan bo'limi. 36. Ma'lum bir ishni bajarish uchun birga qo'shilgan bir necha mustaqil mashina. 37. Ichki yonishli

dvigatel bilan yuradigan temir yo'l mashinasi. 38. Elektrlangan jismdagi elektr miqdori. 39. Energiyaning biror turini mexanik energiyaga aylantiradigan qurilma. 40. Nur oqimining o'lchov birligi. 41. Atomlar yadrosining tarkibiy qismidagi elektr zaryadidan xoli bo'lgan zarra. 42. Suyuqlikni so'rib oladigan va chiqaradigan asbob. 43. Yorug'lik spektrini kuzatish uchun belgilangan asbob. 44. Atom yadrosining tarkibiy qismi musbat zaryadlangan zarra. 45. Oq narsa qora, qora narsa oq bo'lib tushadigan fotoplenka. 46. Havo yoki gazning berk idishdagi siyraklashgan holati. 47. Ba'zi metall jismlarni o'ziga tortish yoki o'zidan itarish xususiyatiga ega bo'lgan jism. 48. Uch elektrodli lampa. 49.

Murakkab to'lqinlarning o'zgarish harakatidagi yoki boshqa bir chastotadagi qismini ajratib olishda ishlatiladigan asbob. 50. Olim A.S. Popov kashf etgan qurilma. 51. Fizikaning yorug'lik xususiyatlarini, qonunlari va uning boshqa moddalar bilan o'zaro ta'sirini o'rganuvchi bo'limi. 52. Havodan og'ir uchish

qurilmalari majmui. 53. Jism yoki qurilma harakati turi.

MUAMMONOMA

Quyidagi raqamlar juftligida fizika faniga o'z nazariy va amaliy kashfiyotlari bilan hissa qo'shgan vatandosh va dunyoning taniqli olimlari yashiringan. Ularni (birinchi raqam so'z, ikkinchisi harf tartibini anglatadi) yuqoridagi chaynvord javoblari asosida harflar bilan almashtirib bilib oling.

- 1) 2-2; 4-3; 3-5; 1-2; 6-3; 5-2; 53-2.
- 2) 52-3; 19-4; 9-5. 7-7; 51-4; 47-4; 8-3.
- 3) 10-1; 19-6; 34-3; 13-2; 11-1; 50-2; 38-1; 12-4; 48-3; 53-2.
- 4) 14-4; 16-5; 45-6; 31-3; 44-3; 46-1.
- 5) 20-3; 36-1; 21-1; 39-5; 49-1; 43-3; 53-2.
- 6) 29-2; 31-5; 37-4; 41-6; 40-6.
- 7) 45-6; 42-4; 1-1; 18-1; 3-4.
- 8) 4-4; 6-2; 18-4; 7-4; 9-6.
- 9) 23-5; 10-6; 1-2; 2-6; 6-7; 9-5.
- 10) 4-4; 18-4; 20-1; 5-3; 3-2; 6-6; 8-3; 37-6.
- 11) 39-2; 42-4; 40-1; 44-4; 28-1.
- 12) 31-4; 43-3; 24-5; 35-5; 39-3.
- 13) 50-1; 49-4; 23-3; 17-4; 26-1; 31-3; 44-3; 11-1; 27-8.
- 14) 6-1; 7-5; 17-3; 15-2; 19-6; 26-4; 53-2.
- 15) 51-2; 40-1; 45-4; 35-3; 29-2.

Foziljon O'RIPOV tuzdi.

Gazetamizning shu yil 17 fevral sonida berilgan

“QADIMIY FANLAR”

(Chaynvord va muammonoma-test)

JAVOBLARI:

1. Madrasa. 2. “Almagesta”. 3. Arastu. 4. Usturlob. 5. Bayon. 6. Nasta'liq. 7. Qadoq. 8. Qomus. 9. “Saydona”. 10. “Abushqa”. 11. Asar. 12. Riyoziyot. 13. Tarix. 14. Xatcho'p. 15. Patqalam. 16. Muhaddis. 17. Savod. 18. Dovot. 19. Tibbiyot. 20. Tabiiyot. 21. Taqvim. 22. Munajjim. 23. Mantiq. 24. “Qobusnoma”. 25. Ajam. 26. «Mufassal». 27. Lavh. 28. Hikmat. 29. Tarh. 30. “Humoyunnoma”. 31. Alloma. 32. Abjad. 33. “Donishnoma”. 34. Arab. 35. Bobur. 36. “Akbarnoma”. 37. Alif. 38. Faylasuf. 39. Fiqh. 40. Hadis. 41. “Samariya”. 42. Abak. 43. Koshiy. 44. Yilnoma. 45. “Avesto”. 46. Orif. 47. Faqih. 48. “Hidoya”. 49. “Abdullanova”. 50. Alkimyo. 51. Oqila.

MUAMMONOMA

Ochqich so'zlar: 1. Kilometr. 2. Gap. 3. Sho'ba. 4. Darslik.
Hikmat: Ilmdan bir shu'la dilga tushgan on,
Shunda bilursankim, ilm bepoyon.

Ma'rifat

ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир хайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўмонжон РАҲИМЖОНОВ, Йўлдош САИДЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҲИМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Уткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босяхонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат» дан материалларни кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий инлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари таҳририятда терилди

IBM компьютерида

Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШЕВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Хулқар ТҲИМАНОВА,

Навбатчи: Жамшид САЪДИНОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-2117. Тиражи 38.273.
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ, офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Босишга топириш вақти — 20.00.
Топирилди —